



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ



Respublika
Ta'lim Markazi

unicef 

har bir bola uchun



**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАРСЛИКЛАР
ТАЙЁРЛАНИШИ, ЧОП ЭТИЛИШИ
ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ СОҲАСИНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
СИЁСАТ ТАҲЛИЛИ**

Халқ таълими вазирлиги


Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАРСЛИКЛАР
ТАЙЁРЛАНИШИ, ЧОП ЭТИЛИШИ
ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ СОҲАСИНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
СИЁСАТ ТАҲЛИЛИ

Тошкент 2020

МУНДАРИЖА

1-БОБ: ДАРСЛИКЛАР ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА СИЁСАТ.....	02
1. Таълим тизимини ислоҳ қилиш ва компетенциявий ёндошувни тадбиқ этишд дарсликларнинг тутган ўрни.....	02
2. Муайян предметлар бўйича дарсликлар ва компетенциялар.....	05
3. Дарсликлар ва автономия.....	10
4. Дарсликлар ва педагогика.....	12
2-БОБ: ДАРСЛИКЛАРНИ ТУЗИШ ЖАРАЁНИ.....	17
5. Дарсликларни ёзувчи муаллифларни танлаш.....	17
6. Дарсликларни режалаштириш ва ёзиш.....	21
7. Дарсликларга техник талаблар.....	23
8. Дарсликларни баҳолаш ва тасдиқлаш.....	26
9. Дарслик нархи ва молиялаштириш.....	28
10. Дарсликларнинг тўлов тизимлари.....	30
11. Дарсликларни яратиш ва тарқатиш.....	32
12. Давлат сектори ва хусусий секторнинг роли.....	33
3-БОБ: СИЁСАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР.....	38
13. Дарсликлар бўйича давлат сиёсатининг асосий кўринишлари.....	38
14. Дарсликлар хариди ҳаражатларини камайтириш.....	40
15. Ўзбекистон учун тавсиялар: дарсликларга оид сиёсатнинг тажриба-синови.....	42
16. Дарсликларни баҳолаш мезонлари – сифатни таъминлаш чораси.....	44
17. Дарсликлар сифатини баҳолаш мезонларин ишлаб чиқиш.....	46
ЯКУНЛОВЧИ ИЗОҲ.....	48
ИЛОВАЛАР.....	52



1-БОБ:

ДАРЛИКЛАР ВА УЛАРНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА СИЁСАТ

1-БОБ: ДАРСЛИКЛАР ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА СИЁСАТ

01

1. Таълим тизимини ислоҳ қилиш ва компетенциявий ёндошувни тадбиқ этишда дарсликларнинг тутган ўрни

Таълим сектори режаси (ТСР) (Ўзбекистон Ҳукумати, 2018 й., 4.4.3-бўлим: "Ўқув режаси, педагогика ва баҳолаш") қуйидаги устувор натижаларга эришишга қаратилган: "21-аср кўникмалари, ижтимоий кўникмалар (жумладан, шахс сифатида шаклланиш ва муваффақиятли ишга жойлашиш кўникмалари) ва юқори тартибда фикрлаш кўникмалари". Ушбу кўникмалар ўқувчиларнинг компетенцияларини ривожлантириш орқали эришилиш режалаштирилаётган кўникмалардир.

Таълим сектори режаси (ТСР) шунингдек, дарсликларнинг ушбу жараёндаги ўрнини белгилайди: "Таркибий маълумотни эслаб қолишга асосланган жорий ўқув дастуридан кўпроқ компетенцияларни ривожлантиришга асосланган ёндошувга ўтиш тааллуқли методик ва дидактик материалларни, айниқса дарсликларни қайта кўриб чиқишни, шунингдек ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шунингдек имтиҳонларга ва таълим натижаларини баҳолаш тизимида бўлган умумий ёндошувни ўзгартиришни талаб этади" (Ўзбекистон Ҳукумати, 2018 й., 82-бет). Ушбу ёндошув "йиғилган билимларни оддий такрорлаб бериш" чегарасидан компетенцияларни ривожлантириш орқали чиқишга ҳаракат қилаётган мамлакатларга хосдир. (ИХТТ, 2005 й.).

Таълим сектори режаси (ТСР) дарсликларнинг компетенциявий ёндошувни тадбиқ этиш, жумладан, ўқитувчиларни тайёрлаш ва ўқувчилар билимини баҳолаш билан боғлиқ бўлган кенгроқ қамровдаги ислохотлар жараёнида тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратади. Марказлаштирилган таълим тизимларида дарсликлар таълим сифатини яхшилашга қаратилган ҳар қандай фаолиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Аммо, дарсликларнинг бир ўзи тайёр ечим бўла олмайди. Улар фақатгина ҳукуматнинг таълим соҳасидаги сиёсий мақсадларига сезиларли аниқлик киритиши ва амалга оширилаётган бошқа чораларни кучайтириши мумкин. Дарсликлар меъёрий ва услубий ҳужжатларни ҳамда синфдаги амалий фаолиятга тааллуқли йўриқномаларни ўзгартириш қобилиятига эгалар.

Дарсликлар ислохотларни амалга оширишда ўзларининг компетенциявий ёндошувни тадбиқ этишга оид вазифаларини бажара олишлари учун "компетенциялар" тушунчасини мукаммал англаб олиш талаб этилади. Компетенциявий ёндошув фактларни эслаб қолишга асосланган ёндошувдан кўра афзалроқ эканлиги хусусида умумий ҳамфикрлик мавжуд бўлсада, бу компетенциялар нимани англатишларини аниқлаб олиш томонга қўйилган илк қадамдир.

Жаҳон амалиётида компетенциялар тушунчасини "касбий компетенциялар"га урғу берувчи кўплаб таърифлари мавжуд. Бундай моделда компетенцияларнинг ривожланиши *бошланғич синфларга* эмас, *кўпроқ ўрта ва юқори синфлар* даражасида рўй бериши назарда тутилади. Компетенцияларнинг ўзлари эса, олдиларига қўйилган масалани ҳал қилишда ўқувчилар олинган билимлар ва кўникмаларга суяниб иш кўринишларига имкон берувчи воситалар сифатида тушуниладилар. Таълим дастурлари мазкур йўналишларининг келиб чиқиши меҳнат дунёсига тайёрлашга ғоясига бориб қадалади ва шунинг учун ҳам уларда асосий эътибор айнан ўрта ва юқори синфларга қаратилади¹.

Бошқа тарафдан эса, "шахс сифатида шаклланиш ва ижтимоий ривожланиш" таъ-

¹ Масалан, қаранг: Schenck (1978 г.), *Ўрта мактаб битирувчиларда компетенцияларни аниқлаш бўйича қўлланма: саволлар ва мисоллар*.

лимнинг мактабгача таълимдан бошлаб, то мактабдан кейинги таълимгача бўлган барча босқичлари учун муҳим мақсад ҳисобланади. Шундай ҳолатда шахс сифатида шаклланиш нуқта-назаридан қараганда, “ҳамдардлик” каби ижтимоий кўникмаларни риовжлантириш ўрта мактаб даражасида эмас, айнан мактаб таълимининг илк йилларида муҳимроқ деб кўрилиши мумкин. Кўплаб таълим тизимларида ижтимоий кўникмаларни ўқув дастурларига киритиш имконияти кўпинча чекланган бўлади ва бунинг асосий сабаби миллий малака имтиҳонларига берилаётган эътиборнинг тобора ортиб боришидандир, чунки бундай имтиҳонларнинг натижаларига кўп нарсалар боғлиқ қилиб қўйилган.

“XXI аср кўникмалари” ибораси юзасидан олиб борилаётган мунозараларда таълимга ишга жойлашиш имконияти сифатида қараш ҳолатлари тобора ортиб бормоқда. Паллегрино ва Хилтон (2012 й.)нинг кенг доираларда ёдга олинувчи тадқиқотида таъкидланишича, “ишбилармонлик соҳасидаги етакчилар, таълим ташкилотлари ва тадқиқотчилар таълим соҳасида янгича сиёсат жорий қилинишига чорлай бошладилар. Бундай сиёсат кенг қамровли, ўргатиш мумкин бўлган кўникмалар ва билимларни ривожлантиришга қаратилган ва уларни кўпинча “21 аср кўникмалари” деб атайдилар. Баъзи таълим тизимлари учун “компетенциялар” тушунчаси аксарият ҳолларда “21 аср кўникмалари” тушунчаси билан чамбарчарс боғлиқ тушунча ҳисобланади. Масалан, Сингапурнинг математика фани бўйича ўқув дастурида компетенциялар тилга олинганида аксарият ҳолларда “21 аср” тавсифий жумласи бирга тилга олинади². Сингапурнинг “(Аниқ) фанлар” бошланғич курси ўқув дастурида қуйидагилар таъкидланади:

21 асрда тобора машҳур бўлиб бораётган компетенциявий соҳалари жумласига Саводли фуқаролик, Глобал хабардорлик ва Маданиятлараро кўникмалар, Танқидий ва ижодий фикрлаш, ҳамда Коммуникациялар ва ахборот илан ишлаш соҳасидаги кўникмалар киради. Мазкур соҳалар билан қамраб олинувчи компетенцияларга “21 аср компетенциялари” номи берилди³.

Ўзбекистон 2021 йили PISA да иштирок этиш ниятида эканлигини ҳисобга олсак, компетенцияларга ИХТТ томонидан берилган талқинга асос сифатида суяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур таъриф “Асосий компетенцияларни аниқлаш ва танлаб олиш” ҳужжатида баён этилган. Ушбу ҳужжат DeSeCo (ОЭСР, 2005й.) деб ҳам юритилади. Ушбу ҳужжатда таъкидланишича: **“асосий компетенциялар тизимининг марказида инсонларнинг маънавий ва интеллектуал етуклигини намунаси сифатида мустақил фикрлаш қобилияти, шунингдек ўз таълими ва ҳаракатлари бўйича масъулиятли бўлиш қобилияти жой олган”**. DeSeCoда ушбу компетенциялар бошланғич таълимдан кўра кўпроқ ўрта таълимга тааллуқли эканлиги хусусида ҳеч қандай кўринишда таъкидланмаган бўлсада, “маънавий ва интеллектуал етуклик” ғояси кўпроқ ўрта таълим циклини қўллаб-қуватлайди.

“Компетенциялар” атамасини тушуниш бўйича ушбу қисқа баён шундан далолат берадики, янги ўқув дастури бўйича дарсликларни тайёрловчи муаллифлар мактаб таълимининг ҳар бир босқичи учун кенг қамровли компетенциялар доирасини, шунингдек, улар дарсликларда қандай акс эттирилиши хусусида яхшилаб ўйлаб кўришлари лозим. Қайта кўриб чиқилган таълим мақсадлари контекстида компетенцияларнинг табиати ва тутган ўрни хусусидаги баҳс-мунозараларнинг жадаллашиб бориши мобайнида дарсликлар компетенциявий ёндошувнинг аниқ амалий тадбиқ этилишига урғу беришлари мумкин. Таҳлилий саъй-ҳаракатларнинг бундай мақсадли йўналтирилиши учун вақт талаб этилади, чунки бу ўн минглаб одамларнинг, хусусан ўқитувчилар ва мактаб маъмурияти ходимлари амалиётига ўзгартиришлар

2 https://www.moe.gov.sg/docs/default-source/document/education/syllabuses/sciences/files/mathematics_syllabus_primary_1_to_6.pdf

3 <https://www.moe.gov.sg/docs/default-source/document/education/syllabuses/sciences/files/science-primary-2014.pdf>

киритилишини талаб қилади.

Дарсликларнинг компетенциявий ёндошув доирасида янги педагогик ғояларни амалий равшанлик билан таъминлашдаги ўрни дарсликлар бўйича миллий сиёсатнинг кенгроқ контекстида кўриб чиқилиши лозим. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нуқтаи-назаридан даражалари турлича бўлган мамлакатларнинг таълим тизимлари компетенциявий ёндошувга ўтишда турли хил муаммоларга дуч келадилар. Бундай қийинчиликлар марказлаштирилган таълим тизимига эга бўлган мамлакатларда янада жиддий тус олади. Зеро, бундай мамлакатлар янги ёндошувга ўтиш вазифасини ҳар бир предмет бўйича ягона дарсликлар ёрдамида амалга оширишлари керак ва бунда дарсликлар синфда асосий кучга эга. Ваҳоланки, компетенцияларга асосланган ёндошувнинг асосий ғояси таълим жараёнида ўқувчиларга кўпроқ эркинлик ва мустақилликни тақдим этувчи шароитларни яратишдан иборат. Барча ўқувчилар учун ягона дарслик тамойили одатда кўп йиллар давомида қарор қабул қилувчи органларнинг ягона тўғри билим мавжудлиги тўғрисидаги сигнали кучайиб бораётганидан далолат беради. Бунинг ўзи компетенцияларга асосланган, яъни ижодкорлик, муаммоларни ечиш кўникмалари, танқидий фикрлаш ва мулоқот кўникмаларидан иборат бўлган ёндошувга ўтиш иштиёқи билан бирга қаралганда зиддиятни ҳосил қилади. Масалан, Япония⁴ ва Кениянинг⁵ тажрибалари қанчалик бир-бирларидан фарқ қилишини кўриб чиқинг.

Контентни эслаб қолишга асосланган ўқув дастуридан компетенциявий ёндошувга ўтиш босқичма-босқич бўлади ва мактабда мавжуд бўлган ресурслардан қатъий назар “иккитадан бири танлаш” қондасига асосланувчи бинар вариант деб қаралмаслиги лозим. Дарсликлар борасидаги давлат сиёсати марказлаштирилган ёндошувида қоладими ёки нисбатан номарказлаштирилган ёндошув томонга такомиллашиб боришидан қатъий-назар, янги авлоди дарсликларнинг бундай интеграцияга қандай эришиш мумкинлигини намойиш этиб бериши мумкин.

Хулосалар

- Дарсликлар борасида стратегик қарорларни қабул қилувчи бошқарув органлари қандай қилиб “ягона дарслик” тизими доирасида компетенцияларга асосланган ёндошувни қанай қилиб тадбиқ этиш мумкинлигини кўриб чиқишлари лозим бўлади.
- Материаллар муаллифлари компетенцияларнинг мактаб таълимининг турли босқичларидаги тавсифлари ва ўрнини, шунингдек дарсликлар ва бошқа ўқув материалларида маълумотларни тақдим этиш услубларини қайта кўриб чиқишлари керак бўлади.
- Дарсликларни баҳолаш меъёрларини ишлаб чиқиш жараёни, шунингдек дарсликларнинг ўзларини режалаштириш ва ёзиш жараёнлари компетенцияларининг тавсифлари ва ўрнига эътиборни кучайтиришга ёрдам бериши мумкин. Улар эса, ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ҳамда ўқувчиларни баҳолашга бўлган ёндошувларни параллел равишда ўзгартириб бориш билан уйғунлашлашуви лозим.



4 Япония: 2030 йил учун компетенциялар: Ўқув дастури, баҳолаш ва ўқитиш.

https://read.oecd-ilibrary.org/education/education-policy-in-japan/competencies-for-2030-curriculum-assessment-and-teaching_9789264302402-5-en#page1

5 KICD. (2017 й.) Муаммолар ва қайта кўриб чиқилган 2015 йил ўқув дастурини тадбиқ этиш.

<http://www.kice.re.kr/boardCnts/view.do?boardID=1500253&boardSeq=5015396&lev=0&m=0301&searchType=S&statusYN=W&page=1&s=english>

2. Муайян предметлар бўйича дарсликлар ва компетенциялар

02

Компетенциявий ёндошувнинг дарсликлар соҳасидаги сиёсатга таъсирини умумий жиҳатларини кўриб чиққач, энди муайян предметлар бўйича компетенциялар таълимнинг турли босқичларида қандай шаклланишини кўриб чиқишимиз ҳамда ушбу компетенцияларни тадбиқ этишда дарсликлар ва услубий қўлланмаларнинг аниқлаб олишимиз мумкин.

Кўплаб мамлакатларда энг камида икки турдаги компетенциялар мавжуд: "кесиб ўтувчи" компетенциялар, уларни "умумий", "асосий" ёки "муҳим компетенциялар" деб тавсифлаш ҳам мумкин; ҳамда муайян фанлар ёки предметлар доирасида кўриб чиқилувчи компетенциялар. Муайян предметлар бўйича компетенцияларни таҳлилий "қисмларга ажратиш" жараёни бир қатор мураккаб саволларни келтириб чиқариши мумкин.

Масалан, Янги Зеландияда ўқув дастурини ишлаб чиқувчилар ҳар бир предмет ўзига хос талқин талаб этишини аниқладилар. Улар ўқув дастурини янгилаш жараёнининг учта босқичини аниқладилар:

- 1-босқич: Асосий компетенциялар тавсифини ўрганиш;
- 2-босқич: Асосий компетенциялар ва билим олиш кўникмасини ўрганиш;
- 3-босқич: Асосий компетенцияларни предметлар соҳаларига (яъни предметларга)⁶.

Учинчи босқичда "Асосий компетенциялар билан бир муддат ишлаган тадқиқотчилар, ҳар бир компетенциянинг умумий баёни етарли бўлмайдиган деган хулосага келдилар. Улар мазкур компетенцияларни турли муҳим тарафлардан ва имкон қадар батафсил "қисмларга ажратишни" ва таърифлашни бошладилар. Улар ҳамкорлик қилган ўқитувчилар ҳам ҳар бир муҳим компетенция учун битта универсал таърифни тайёрлашнинг иложи йўқлигини англар эдилар". Худди шундай муаммога, албатта, дарсликларни тузувчилар ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ҳам дуч келадилар.

Эстониянинг 2014 йилда ишлаб чиқилган янги ўқув дастурида компетенцияларнинг учта даражаси баён этилади: умумий, предметларга қатъий боғланган ва даража-предмет (ўқитиш босқичлари бўйича) компетенциялар⁷:

«Миллий ўқув дастури нуқтаи-назаридан олганда компетенция у ёки бу соҳада ижодий, тадбиркорона ва мослашувчан тарзда ҳаракат қилиш қобилиятини таъминловчи керакли билимлар, кўникмалар ва муносабатлар (у ёки бу предмет, ҳодиса ёки муаммога муносабатлар)нинг ялпи йиғиндисидир. Компетенция умумий компетенциялар тоифасига ёки (яъни "ва") предметлар соҳаларига оид компетенцияларга тааллуқли деб ҳисобланиши мумкин... Миллий ўқув дастури умумий компетенциялар ва таълимнинг муайян босқичларида шаклланиши кутилувчи, предметларга хос компетенцияларни фарқлайди (курсив муаллифники).

Ўқув дастури ҳар бир даража учун мақсадли компетенцияларнинг аниқ амалий умумлаштирилган шаклини тақдим этади. Кейинги мисол 4-6 синфлар (улар "таълимнинг иккинчи босқичи" деб аталувчи) учун компетенциялар дарсликларни тузувчилар учун ўзига хос вазифани белгилаб беришга ёрдам беради:

⁶ https://www.researchgate.net/publication/325389433_How_the_key_competencies_evolved_over_time_Insights_from_the_research

⁷ https://www.hm.ee/sites/default/files/est_basic_school_nat_cur_2014_general_part_1.pdf бети. 4.

Таълимнинг иккинчи босқичи охирида ўқувчи:

1. уйғун инсоний муносабатларни қадрлашни билади, ўзининг оиланинг бир аъзоси, дўст, ўртоқ ва ўқувчи сифатидаги ролини англайди; келишувларга риоя қилишни, ишончли бўлишни ва ўз ҳаракатлари учун масъул бўлишни билади;
2. таълимдаги вазифаларни бажаришга диққатини жамлашни билади; ташқи етакчилик бўлса, муайян ўқув топшириғининг табиатидан келиб чиққан ҳолда ўз ёшига мос бўлган услублардан (жумладан, жуфтликда ва гуруҳларга мўлжалланган услублардан) фойдаланишни билади;
3. бошқа этник ва маданиятлар ўртасида қадрлайди ўзининг этник келиб чиқишини ва маданиятини, инсонларга нисбатан хусуматдан холи, инсонлар, муносабатлар ва вазиятлар ўртасидаги фарқларни эътироф этади ва компромис шарт эканлигини англайди;
4. натижага эришиш учун ўз фаолиятини режалаштириш ва баҳолашни ҳамда керакли ҳаракатларни танлаш ва амалга оширишни, ўз хатоларини кўришни ва ўз фаолиятига тузатишлар киритишни билади;
5. ўз фикрини баён этиш, асослаш ва ҳимоя қилишни уддалайди, ўзининг кучли ва заиф жиҳатларини билади ва ўз манфаатларини аниқ ифода этишга ҳаракат қилади;
6. ўз ёшига мос бўлган матнларни тинглаш ва англаган ҳолда ўқишни, лингвистик жиҳатдан тўғри бўлган ҳамда вазиятга мос келувчи оғзаки ва ёзма матнларни тузишни, оғзаки нутқни тушунишни билади;
7. энг камида битта ҳорижий тилда, таниш ва кундалик мавзулар бўйича бевосита ва оддий маълумот билан алмашишни назарда тутувчи кундалик вазиятларга хос мулоқот қилишни билади.
8. санаш ва ўлчаш кўникмаларига эга, ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли муаммоларни хал қилишда мантиқ қоидаларидан фойдаланишни билади;
9. оқилона ҳаёт тарзини қадрлайди, табиий фанлар соҳасига оид саволлар беришни ва табиий фанлар бўйича маълумот олишни билади, табиат билан ўзаро ҳаракат қилишни, унга қизиқиш билдириш ва уни ўрганишни билади;
10. компьютер ва интернетдан алоқа воситаси сифатида фойдаланишни ва компьютер ёрдамида матнга ишлов беришни билади;
11. саволларга жавоб топишни, керакли маълумотни турли манбаълардан олишни, талқин этишни, ундан фойдаланиш ва уни узатишни, шунингдек, нималар факт ва нималар фикр эканлигини ажрата олишни билади;
12. ўз мамлакатининг фуқароси эканлигини англайди ва ижтимоий меъёрларга риоя қилади;
13. санъатни қадрлайди ва бадиий воситалар ёрдамида ўзини ифода этишни билади;
14. соғлом ҳаёт тарзини қадрлайди, саломатликка путур етказувчи омилларни ҳамда оғуға айланиши мумкин бўлган моддаларнинг хатарини англайди;
15. қизиқиши (ҳоббиси) бор ва меҳнат билан бандлик дунёси бўйича умумий тасаввурга эга.

Юқорида келтирилган рўйхатда умумий компетенциялар таълим даражасига мос равишда, предметлар компетенцияларини кенг қўшиш орқали етарлича талқин қилинганлар. Даставвал, "компетенция"нинг таркибий қисмлари ҳисобланмиш билимлар, кўникмалар ва муносабатлар хусусида фикр юргизиш кўриш фойдали бўлади. Иккинчидан, юқорида зикр этилган компетенциялар қандай қилиб 4-6 синфлар учун дарсликларда ўз аксларини топишлари мумкинлиги савол бериб кўриш лозим. Масалан, дарсликлар муаллифлари ўқувчиларда муайян муносабатларни (у ёки бу предмет, ҳодиса ёки муаммога муносабатнинг) шаклланишига қандай кўмаклашишлари мумкин ва қандай қилиб бундай муносабатларни бошланғич мактабдаги саводга ўргатишга қаратилган дарсликлар ёрдамида шакллантириш мумкин? Овоз чиқариб ўқиш амалиётини қўллаб-қувватлаш ёки талаб этиш мисоллардан бўлиши мумкин. Бунда ўқитувчи ўзининг матнга бўлган қизиқишини намойиш этади ва ўқувчиларнинг ўзи томонидан шарҳларни ҳамда ўқувчилар томонидан таҳлил қилиниши рағбатлантиради ва бу билан ўқувчиларга қарашлар ва талқинлар турли-туманлигининг қийматини намойиш этади. Бу турдаги фикр билдириш ўқув режаси мантиқи, ресурслар режалаштирилиши ва дарслик тайёрланиши ўртасидаги боғлиқни таъминлаш учун дарсликнинг ўзида бўлиши муҳимдир.

Ва ниҳоят, яқинда (2015 й) Жанубий Кореяда компетенцияларга асосланган ўқув дастурининг жорий этилиши билан боғлиқ бўлган аниқ мисолни кўриб чиқиш фойдали бўлади. Мазкур ўқув дастурида қандай қилиб карис тили дарсликлари ёрдамида бошланғич мактабнинг юқори синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш масаласи муҳокама қилинади:

... олдинги ўқув дастурида ўқишга ўргатиш дарслари фақат дарсликлардаги матнни ўқиш асосида ўтказилиши билан боғлиқ бўлган чеклов бор эди. Бошқача қилиб айтганда, дарсликлардаги матнлар кўпинча фрагментлар ва сегментлардан иборат ўқишни рағбатлантиради. Албатта, ўқув дастурининг таркиби ўқувчилар матнни тўлиқ ўқишларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган ва ташкил қилинган. Шунга қарамасдан, дарсликнинг ҳажми чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда матнни бошдан охиригача тўлиқ жойлаштириш қийин бўларди. Дарсликни тайёрлаш учун матннинг бир нечта бўлимлари (фрагментлар)ни олиш ва қолган қисмларидан воз кечиш услуби қўлланилар эди. Натижада, ўқувчилар бутун матнни тўлиқ тўғри ўқиш қийин бўларди. Бундан ташқари, ушбу услуб ўқувчиларда ҳаётлари давомида ўқишга бўлган муҳаббатни, ўқишдан ўз ихтиёри билан завқланишни шакллантириш зарурлигига эътибор бермаганлиги учун танқид қилинган эди, чунки таълим мақсадларида ўқишга мажбур қилиш ҳаддан зиёд кўп қўлланилар эди.

Мана шу сабабларга кўра, янги ўқув дастурида ўқувчиларни таълим стандартларини инобатга олган ҳолда бир семестрда камида битта китоб ўқишга рағбатлантирилади, ... асосий эътибор ўқиш бўйича комплекс машғулотларга алоҳида эътибор қаратилади; унда ўқувчилар китоблар ўқишлари, ўз фикрлари билан ўртоқлашишлари ва иншолар ёзишлари мумкин⁸.

Бу компетенциявий ёндашувнинг ўқув ресурсларига бўлган талабларини кўрсатади. Компетенциявий ёндошувда саводни ўргатиш учун битта дарсликнинг ўзи етарли эмаслиги аниқланган. Манбаъларнинг турли-туманлиги ўқувчиларда танқидий фикрлашни ва турфа хил манбаълар, янгиликлар ва интернетдаги фикрлар уммонида ўз йўлини топиш қобилиятини шакллантириши муҳим аҳамиятга эга.

Биз предметларга хос компетенциялар тавсифининг ушбу таҳлилини ИХТТ мамлакатларида 2000 йилда илк бор PISA тадқиқотлари ўтказилган вақтдан бошлаб саводни баҳолаш ўтказилишига бўлган муносабат қандай ўзгариб борганлигини ёдга

⁸ Муаммолар ва қайта кўриб чиқилган 2015 йил ўқув дастурини тадбиқ этиш. (Korea Institute for Curriculum and Evaluation) (52 бет) <http://www.kice.re.kr/boardCnts/view.do?boardID=1500253&boardSeq=5015395&lev=0&m=0301&searchType=null&statusYN=W&page=1&s=english>

олиш билан яқунлашимиз мумкин. Ўтган давр мобайнида саводхонлик тушунчасини ўзи ўзгарди: “Бундан буён ўқиш кўникмаларидаги муваффақият битта матнни оддийгина ўқиш ва англаш имкониятининг ўзи билан чекланмаслиги лозим. Ваҳоланки, катта матнлар, жумладан бадий матнлардан кенгайтирилган фрагментларни англаш ва талқин қилиш қобилияти хали ҳам қийматли ҳисоблансада, муваффақият маълумотга ишлов бериш, жумладан, таҳлил, синтез бир нечта матнлар (ёки ахборот) маълумотларидан ўхшаш маълумотларни интеграция ва талқин қилишни ўз ичига олган мураккаб стратегияларни ишга солиш билан белгиланади” (ИХТТ 2018 й.). Ва ниҳоят, худди шунга ўхшаган ҳужжатдан иқтибос: “2000 йилдан бошлаб ўқиш концепциямиздаги ўзгаришлар ўқиш саводхонлиги таърифининг кенгайишига олиб келди ва унда ўқишнинг когнитив тавсифлари билан бирга рағбатлантирувчи ва ҳулқ-атворга оид тавсифларини ҳам эътироф этади”.

Ўқув дастурига кирувчи барча предметлар бўйича мутахассислар компетенциявий ёндошув контекстида уларнинг предметлари соҳасидаги эҳтиёжларнинг муҳома-масида иштирок этишлари лозим. Дарсликларни тайёрлаш фақат уларнинг муаллифларига боғлиқ фаолият бўлиб қолмаслиги лозим. Унда ўқув дастурини ишлаб чиқувчилар ҳам иштирок этишлари лозим. Зеро, уларнинг ғоялари дарсликларни чоп этувчилар ва уларнинг муаллифлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулосалар

- Ўқув дастурининг умумий компетенцияларини кўриб чиқишдан ташқари дарсликларда муайян предметларга оид бўлган, синфдан синфга ўзгариб бориши мумкин бўлган компетенцияларни ҳам ҳисобга олиш лозим.
- Ҳар бир предметлар ва синф учун ўқитиш ва ўқиш материалларининг диапазони ва турини қайта кўриб чиқиш талаб этилиши мумкин ва бунда компетенцияларга асосланган янги ёндошувни қўллаш лозим бўлади. Материалларнинг бундай диапазонига баъзан “ўқитувчилар учун услубий қўлланмалар” дейилади.
- Муйян синфларда баъзи ижтимоий фанлар бўйича ягона дарслик чегарасидан ташқарига чиқиш танқидий фикрлашни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.



3. Дарсликлар ва автономия

03

Турлича иқтисодий ривожланиш даражаларига эга бўлган мамлакатлардаги таълим тизимларининг ўзига хос жиҳатларидан бири – тизимнинг ҳар бир даражасига тақдим этилувчи автономия даражасидир. Саҳрои Кабирнинг жанубидаги Африка мамлакатларидаги мактабларининг хусусияталарни ўрганишга бағишланган тадқиқотда муаллифлар (Bashir ва бошқ., 2018 й, 98-бет) қуйидагиларни таъкидлайдилар:

Мактаб автономиясининг ўқувчилар ўзлаштиришига таъсири бир хил бўлмайди ва у мамлакатлар ҳамда таълим тизимларига кўра турлича бўлади. ИХТТ мамлакатлари ичида таълим тизими эркинлиги даражаси юқори бўлган мамлакатлар математика фани бўйича PISA танлови бўйича юқорироқ балл олганлар.

Бироқ, мактаб автономияси ўртача даромадли мамлакатларда ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижалари яхшиланига олиб келмайди. Иқтисодий ривожланишнинг нисбатан паст даражаларида мактаб автономиясининг кучайиши, айниқса таълим мазмуни соҳасида, ходимлар ва бюджетни ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишда автономиянинг ортиши, ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларига паст бўлишига олиб келади... Агар умумий институционал тузилмалар заиф бўлса, мактаб автономиясининг хавфи индивидуал мактаблар ўқувчилар билимини ошириш мақсадини кўзламаслигига олиб келиши билан боғлиқ бўлади, бу эса тенгсизликни кучайтиради..

Шундай қилиб, таълим тизимидаги автономия икки томонлама муаммога – ҳам дарсликларни яратиш ва режалаштириш сиёсатига таъсир этувчи хавф ва имкониётларни яратувчи муаммога айланиши мумкин.

ИХТТ мамлакатларининг таълим тизимларида маълум миқдордаги автономиялар одатий тусга кирган. Шу билан бирга, турли иқтисодий даражадаги мамлакатлар ўртасидаги асосий фарқлардан бири бу ўқув дастурининг баёни ва тадбиқ этилишидир. Одатда, кам ва ўрта даромадли мамлакатларда миллий ўқув режаси ва мактабларда ўқитиладиган ўқув дастури ўртасида фарқ йўқ ёки жуда оз: мактаблар ўқув дастурларини ўзгартириш бўйича озгина автономияга эга, ва таълим қаерда бўлишидан қатъий назар ҳар бир мактабда бир хил бўлиши керак. Юқори даромадли мамлакатларда миллий ўқув дастури мактаблар ўз ўқув дастурларини режалаштирадиган доирадир.

Марказлаштирилган ўқув дастурининг яна бир натижаси шундаки, у дарсликларни қандай қабул қилинишига таъсир қилади, дарсликни деярли муқаддас даражага кўтаради ва ўқитувчилар ҳафтала давомида унинг ҳар бир саҳифасига риоя қилишлари керак. Бундай ёндашувда дарслик дарсда жуда муҳим рол ўйнайди. Ресурслари чекланган таълим тизимларида дарслик ҳукумат учун таълим бўйича талабларнинг қондирилиши ва унинг масъулиятини таъминланишига эришишда ёрдам берадиган воситадир. Бу аслида ўқув дастурининг мазмунини ҳам, ўқитиш методологиясини ҳам шакллантирадиган сиёсий ҳужжатдир. У нимани ўргатиш кераклигини ва буни қандай қилишни тартибга солади. Ҳатто дарсликдаги матн ҳам дахлсизлик мақомини олади ва бунинг у ўқувчиларнинг ўқиш идрок қилиш даражасини инobatга олган ҳолда ёзилганми, йўқми – бу муҳим эмас.

Мактаблар кўпроқ автономияга эга бўлган, марказлаштирилмаган тизимларда турли хил дарсликлардан фойдаланиш мумкин - дарсликларни баҳолаш ва тасдиқлаш учун жавобгарлик ҳеч бўлмаганда вилоят ёки мактаб даражасида бажарилиши мумкин. Таълим вазирлиги тасдиқланган дарсликларнинг рўйхатини эълон қилиши, маҳаллий таълим органлари ёки мактаблар эса, ушбу рўйхатдан танлаши мумкин. Ёки баъзи мамлакатларда бўлгани каби, ҳеч қандай тасдиқлаш тизимисиз мактаблар мутлақо мустақил равишда дарсликларни танлашлари мумкин. (Бир нечта дарсликларнинг сиёсати масалалари қуйида 11-бўлимда кўриб чиқилади).

Дарсликларнинг марказлаштирилмаган тизимига ўтиш баъзан дарсликлар таркиби ва ушбу таркибни ёдлаш ва такрорлашга асосланган ягона имтиҳон тизимлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлиги билан оқланади. Ягона дарсликнинг мавжудлиги имтиҳон топшириқларини ишлаб чиқувчилар таълим стандартларига эмас, балки дарсликнинг таркибига асосланишига олиб келади. Тасдиқланган бир нечта дарсликлар ичидан танлаш сиёсатининг мантиқий асосини маълум бир дарслик ва имтиҳон ўртасидаги «тўғридан-тўғри боғлиқликнинг узилиши» сифатида тавсифлаш мумкин: бир нечта дарсликларни тасдиқлаш билан ХТВ мактаблар ва ўқитувчиларни нафақат дарслик матнларига, балки ўқув дастурларига ҳам суянишга мажбур қилади. Масалан, Шанхай провинцияси Хитойда биринчилардан бўлиб, мактабнинг сифатни эмас, балки имтиҳонларга бўлган йўналишини енгилга қаратилган, тасдиқланган бир нечта дарсликлар тизимини жорий этди. Тайван ҳам шунга ўхшаш йўлни босиб ўтди.

Автономия бутун мактаб тизимига қандай кириб бориши ҳақида бир неча изоҳ келтиришни лозим деб билдик. Мактабларда ва ўқув дастурида автономия ўқитувчилар ва ўқувчиларга бериладиган ўқув жараёнининг эркинлиги билан боғлиқ. Ўқувчилар автономияси концепцияси компетенцияга асосланган ёндашув тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ; юқори тартибдаги кўникмаларни ва ирода эркинлигини англашни ривожлантириш учун; яъни ўқувчилар танқидий фикрлаш ва уларнинг фикрлари рағбатлантирилишини ҳис қилишлари керак. Бу, ўз навбатида, дарсликларни баҳолаш мезонлари ва дарслик муаллифлари олдида турган масалаларга таъсир қилади. Муаллифлар тафаккурни ривожлантириш, шу жумладан танқидий фикрлаш ва ижодкорлик учун имконият яратишлари керак.

Хулосалар



- Дарсликлар борасида сиёсий қарор қабул қилувчилар сиёсатчилари дарсликлар ва миллий имтиҳонлар ўртасидаги боғлиқликни кўриб чиқишлари керак, шунингдек, улар бир нечта дарсликлар вариантларидан иборат тўплам (ҳаттоки фақат баъзи предметлар ёки синфлар учун бўлса ҳам) “тест учун ўқиш” ёндошувининг камайишига қай даражада ёрдам бериши мумкинлиги хусусида ўйлаб кўришлари лозим.
- Дарслик муаллифлари таълим жараёнида ўқувчиларга, ўқитувчиларга ҳам маълум даражада эркинлик бериш усулларини кўриб чиқишлари керак.

4. Дарсликлар ва педагогика

04

Дарсликлардаги матнни эслаб қолиш ва айтиб беришга асосланган ёндашувдан четланиш учун ушбу ёндашувнинг кўплаб мамлакатларда мавжудлиги сабабларини ва нега кўплаб ўқитувчилар, ўз холларига қўйилса, маълумотни эслаб қолиш ва айтиб бериш услуби асосида ўқитишларининг сабабларини англаб етиш зарур. Ушбу масалада маданий анъаналар билан боғлиқ бўлган бир қатор сабаблар мавжуд⁹, ammo шунингдек, кўплаб дарсликлар янги педагогик ёндошувлар қўлланилишини рағбатлантирмаслиги каби сабаб ҳам мавжуд.

Дарсликларнинг бир талайида аниқ педагогик асос йўқ бўлиб, улар фақат тушунча ва таърифлар рўйхатига қурилган ва бундай рўйхатларни оддий ёдлаб олиш орқали ўрганиш мумкин. Бунинг натижасида эса, шундай ўқитиш услуби юзага келадики, у на ўқитувчига ва на ўқувчига қаратилмаган бўлиб, у "дарсликка марказлаштирилган", яъни унинг асосий бошқарувчи нуқтаси – дарслик. Бундай, мустақил ўрганишга мўлжалланган дарсликлар асосан матндан иборат бўлади ва матнлардан кейин ўқувчи мавзунини қанчалик англаганини текширишга мўлжалланган саволлар келтирилади. Бундай ёндошув услубиётнинг аҳамиятини ҳисобга олмайдиган муаллифлар томонидан қўлланилади ва кўпинча тил ва адабиёт, аниқ фанлар ва ижтимоий фанларда қўлланилади. Дарсликлар туркумининг муҳаррири дарсликларни режалаштириш жараёнида юқорида айtilган педагогик услублар эътиборга олинишини таъминлаши лозим. Бундай муҳаррир муайян предмет ва синф бўйича бош муҳаррир бўлиши ва ёки барча предметлар бўйича бош муҳаррир бўлиши мумкин.

2019 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган семинарда дарсликларни "тўсиқдан, йўл кўрсатувчига" айлантириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бунда қуйида келтирилган жадвал тақдим этилган эди:

Ўқувчилар учун тўсиқлар	Ўқувчилар учун йўл кўрсатувчилар
Тушунчалар бевосита ўқув дастуридан олинган	Қизиқарли ва тартибга солинган ғоялар
Ўқитишда когнитив қобилиятларга етарлича урғу бермаслик	Ижтимоий, хиссий кўникмалар ҳамда юқори тартибдаги фикрлашни ривожлантиришга урғу бериш
Дарсликда қўлланилган тил ўқувчининг тушуниш даражасидан юқорида	Ўқитиш босқичига мос келувчи тил қўлланилган

Ўқитувчилар учун тўсиқлар	Ўқитувчилар учун йўл кўрсатувчилар
Контентнинг ҳадда зиёд оғир бўлиши ўқитувчини ёдлаб олиш услубидан фойдаланишга мажбур қилади	Қолдириб кетилганларни тўлдириш ва материални осонроқ ўзлаштиришга имкон бевуччи қисқа контент

⁹ Масалан, Сузана Бринкман, Ҳиндистондаги эътиқодларни ўргатиш ва таълим соҳасидаги ислохотлар: «Ўқувчи-марказлашган» ёндашувдан «марказлашган-ўқувчига» ёндашувига қаранг (2018). <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/03050068.2018.1541661?needAccess=true&instName=University+of+Sussex>

Тушунчалар ва таърифлардан иборат бўлган дарсликлар	Мураккаб назариянинг оз бўлиши
Педагогика йўқ (мустақил ўрганиш ва ёдлаб олиш)	Аниқ ўқитиш услубиёти
Синфлар ўртасидаги тафовутлар (ўқувчилар сони, ресурслар ва жиҳозлар) ҳисобга олинмаган	Катта синфларда ҳам, ресурслар чекланган ҳолатларда қўллаш мумкин бўлган ёндошувлар

Тенгҳуқуқлик ва инклюзия: тўсиқлар	Тенгҳуқуқлик ва инклюзия: йўл кўрсатувчилар
Таркиб инклюзия тамойилига мос эмас (жинслар бўйича стереотиплар ва ҳқз.)	Таркиб инклюзия тамойилига мос (барча ижтимоий гуруҳлар бир хил тақдим этилган)
Ўқувчининг фикри ва унинг ўзига хослиги эътиборга олинмайди	Ўқувчининг фикри ва унинг ўзига хослиги эътиборга олинади
Ўқувчининг она тилида эмас	Ўқувчининг она тилида

Жадвал 1: Дарсликлар: тўсиқлардан йўл кўрсатувчиларга

Бу ерда педагогика тушунчасига аниқлик киритиш талаб этилади. Турли хил контекстларда ва тилларда "методика", "дидактика" ва "педагогика" атамалари турли хил маъноларга эга бўлиши мумкин. Ушбу таҳлил «педагогика»ни «методика»дан ажратиб қарайди ва педагогиканинг Александр Робин томонидан ишлаб чиқилган таърифига қурилган, таълимдаги эътиқодларга асосланади. Унга кўра педагогика – « мафкуравий қадриятлар ва постулатлар (илмий эътиқодлар) билан биргаликдаги ўқитиш ҳаракати бўлиб, унинг ёрдамида ушбу ҳаракат шакллантирилади, амалга оширилади ва асосланади»¹⁰.

Ўқишга бўлган эътиқод, ўз навбатида, ҳам умумий тушунчалар ҳамда маълум фанлар ва таълим даражаларига хос бўлган тушунчаларни ўз ичига олади. Далилларга асосланган ўқув постулатлари яхши дарсликлар ёзиш учун замин яратади (қаранг: National Research Council, 2005 й.). Шунинг учун дарслик муаллифлари дарсликларни такомиллаштириш йўлини ушбу фанни ўқитиш методикасини ўрганиб чиқиб, бошлалари керак. Бу ўрта мактабга қараганда кўпроқ бошланғич мактабга тааллуқли бўлиб, унда ўқувчилар билимларни ўқитувчилар томонидан кам таъсирга эга бўлган ҳолда тўғридан-тўғри дарсликдан ўрганиш қобилиятига эга. Аммо бошланғич ва ўрта синфларга мўлжалланган дарслик муаллифлари ушбу жараённи мазмуни ва педагогикаси нуқтаи назаридан таҳлил қилишлари фойдадан холи бўлмайди.

Педагогиканинг мазкур предметга хос бўлган жиҳатларини ўрганиб чиқиб, дарсликлар муаллифлари сифатли дарслик ҳақидаги тасаввурларини қайта кўриб чиқишлари мумкин. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, сифатли дарслик учун мезонларни умумий маънода (ҳатто биз бунини дарсликларни баҳолаш мезонлари бўйича қуйидаги бўлимда бажаришга ҳаракат қилсак ҳам) юқори сифат нимани англатишига кўплаб мисоллар келтирмасдан аниқлаб бўлмайди. Шунингдек, дарсликнинг юқори сифатли бўлиши учун универсал талабларни санаб ўтиш қийин, бу юқори сифатли ўқув режаси учун ҳам бир хил. Бироқ, далилларга асосланиб, юқори сифатли педагогика тушунчасини аниқлаш мумкин. Компетенцияларга асосланган янги ўқув дастурини ишлаб чиқувчилар асосан қуйидагиларни бажаришлари керак:

¹⁰ Робин Александр. (2008). Педагогика ҳақида очерклар. 4-бет. Routledge нашриёти.

«Ўқувчига йўналтирилган» ёндашувни кучайтириш ўқитувчилардан ўз касбий фаолиятни амалга ошириш усулларини ўзгартиришларини кутишга олиб келади, яъни ўқитувчилардан ўқув жараёнини бошлаб бериш ва бошқариш кутилади. Ўқув жараёнининг мақсади одатда билим олиш ва уни такрор тақдим этишдан иборат бўлган бўлса-да, бугунги кунда мактаб таълими асосан ўқувчи шахсининг ривожланиш манбаи сифатида қабул қилинади. "Ўрганиш кўникмасини шакллантиришга ўргатиш" ва "шахслараро ва фуқаролик компетенциялари" соҳаларига тегишли компетенциялар барча фанлар бўйича ўқув жараёни давомида ривожланиши керак. (Ўзбекистон ҳукумати, 2018 йил, 4.4.5-бўлим)

Шунинг учун дарслик муаллифлари дарсликларни ёзишда кўпинча «таркиби тартибга солинган педагогика» деб номланувчи ёндошувни қўллаш орқали ўқитиш ва ўқитиш сифатини яхшилашни қўллаб-қувватлашлари керак. Сингапур тажрибаси бунга яхши мисол бўла олади, мазкур мамлакатда бутун дунёдаги мутахассислар томонидан мақтовга сазовор бўлган ва бир қатор мамлакатлар томонидан ўзларига мослаштириб олинган, базавий математика бўйича дарсликларни яратишда таркиби муайян предмет бўйича тартибга солинган педагогика услуги қўлланилган¹¹.

Ижтимоий ва ҳиссий таркибий қисм муваффақиятли педагогикада муҳим рол ўйнайди. Дарс машғулоти ижтимоий бўлиб, аксарият таълим вазирликларида таълим мақсади ҳам ижтимоий, ҳам академик аҳамиятга эга деб ҳисобланади. Ҳиссий жиҳат ҳам ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишини рағбатлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Дарсликлар ўқув қўлланмасидаги таърифларни ўқувчилар хотирасига ўтказишга йўналтирилган ўрганишни енгилроқ ўтишга ёрдам бериши мумкин. Таълимнинг тегишли босқичига мос бўлган тил ва таркибий тузилмага эга педагогикага асосланган дарсликлар ўқитувчиларга ўқувчиларнинг нафақат амалий билимларни олишларини, балки талқин қилиш, фикрлаш, самарали мулоқот ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришини таъминлаш учун ҳам кенг имкониятлар яратишда ёрдам беради. Бундай имкониятларни дарслик тузилмасига қандай киритиш кераклигини муҳокама қилиш янги ўқув дастурига янги дарсликлар ёзишга тайёргарликнинг зарур қисми бўлиши керак.

Ўқув режаси, дарсликлар ва ўқиш вақти ўртасидаги боғлиқлик ҳам катта аҳамиятга эга (масалан, ТСР, 5.2.2-бўлим, 3-стратегик соҳа). Компетенцияларга асосланган янги ёндошув учун дарсликлар ўқитувчига ўз ўқувчиларини кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлаш, ижодиёт ва юқори тартибдаги фикрлаш усулларидадан фойдаланган ҳолда муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантиришга имкон берадиган янги ўқув машғулотларини талаб қилади, бунда ўқувчиларга ўзларининг когнитив қобилиятларини ишга солишлари ва қарорлари бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари керак бўлган топшириқлар берилади. Фикр эркинлиги юқори даражада бўлишига имкон берадиган бундай тадбирлар ўқувчиларнинг назарий билимларини ривожлантириши мумкин бўлган, жавобларни «тўғри ёки нотўғри» га бўлишни ўз ичига олган бошқа анъанавий таълим фаолиятига қўшимча равишда амалга оширилиши керак.

Дарсликларга киритилган тадбирларни такомиллаштириш ва ўқувчиларни ишлаётганини кузатиши ва қўллаб-қувватлашлари учун ўқитувчиларда тегишли компетенцияларни ривожлантириш учун дарсликлар анъанавий дарсларга қараганда бошқача ёндашувдан фойдаланган ҳолда *синфда* ишлаш учун етарли вақт ажратилишини талаб қилади. Бу, айниқса бошланғич синфларга тегишли. Чунки уларда ўқитувчилар

11 Қаранг. «Сингапурда математика таълими» (2015 й.): <https://www.researchgate.net/publication/313246274>.

Principles and processes for publishing textbooks and alignment with standards. A case in Singapore

Қаранг. Саводга ўргатиш жараёнида таркиби тартибга солинган педагогикадан фойдаланиш баёни:

<https://www.edu-links.org/resources/promoting-successful-literacy-acquisition-through-structured-pedagogy>

Ўқиш, ёзиш ва математикадан қийналган болаларни қўллаб-қувватлаши учун етарли вақтга эга бўлишлари керак. Бошланғич синф ўқувчиларининг барча эҳтиёжларини қондириш жуда муҳимдир. Ушбу синфлардаги ўқитувчилар катта қийинчиликларга дуч келган болаларни ўқитишдаги устувор вазифаларни тартибга солиб олишлари учун вақт керак бўлади. Агар дастлабки йилларда ушбу муаммолар ҳал этилмаса, келажакда болалар йўл қўйилган бўшлиқларни тўлдиришни уддалай олмайдилар.

Компетенцияларга асосланган ёндашувлар дарсликнинг амалий қисмида амалга оширилиши мумкин. Баъзи бир юқори самарали таълим тизимларида ўқув дастурларининг ҳужжатларининг ўзларида фанларни ўқитиш усулларига мисоллар келтиради. Масалан, Сингапурнинг математика фани ўқув дастурида «таркиб ва ўрганиш тажрибалари» тилга олинади ...

... "Аниқ-визуал-мавҳум" ёндашув ва турли математик воситалар, шу жумладан АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда концептуал тушунчани чуқурлаштириш; ўрганилган тушунча ва кўникмаларни реал шароитда қўллаш; турли математик муаммолар ва топшириқлар орқали мулоҳаза ва муносабатларни ифода этиш; ишончни шакллантириш ва математикага қизиқишни ошириш.

Сифатни тушунчасига турли йўллар билан қараш мумкин: масалан, ўқитувчилар ва ўқувчилар сифатни қандай қабул қилишлари. Ўқувчиларга нисбатан қўллаганда, "ишнинг юқори сифати" деганда предметга қизиқиши ва олинган натижанинг шахсий аҳамияти нуқтаи назаридан тушуниш керак. Тажриба ҳақиқий бўлиши учун юқори сифатли иш ёдлашга асосланган имтиҳонда олинган юқори баллдан кўпроқ нарсани англантиши керак.

Дарслик муаллифлари дарсликдаги баҳолашга бўлган ёндашув ўқитувчи танлаган ўқув услубига таъсир қилишини ҳам билишлари керак. Жавобларни «тўғри» ёки «нотўғри» деб баҳолаш мезонлари муқаррар равишда дарсликларнинг ёзилишига ва ўқитувчиларнинг дарс беришига таъсир қилади: дарсликлар фактлар тўплами сифатида ёзилиши эҳтимоли юқори ва бунда ўқитувчи ахборотни механик равишда ёдлаб олишга асосланган услубни танлашга мажбур бўлади. Ҳар қандай предмет бўйича юқори сифатли халқаро дарсликларнинг кўпи фактларни билишнинг тор баҳоси ва очиқ баҳоларнинг мувозанатига асосланади, бунда бир нечта жавоблар «тўғри» ёки ўринли бўлиши мумкин. Дарсликнинг роли - бу тор доирадан тортиб то чегарасизгача бўлган ўрганиш тажрибасини таъминлашдан иборат бўлади ва бу ёндашув бундай диапазонни қўловчи баҳолаш услубларига асосланган бўлади.

Хулосалар

- Ўқув дастурларини тайёрловчилар ва дарслик муаллифлари учун предмет соҳасидаги педагогикани билиш ва тушуниш жуда муҳимдир.
- Янги авлод дарсликларини яратиш предмет бўйича мутахассислар, ўқитувчилар, дарсликлар муаллифлари (ва муҳаррирлари) ўртасидаги ҳамкорлик ва вақтни талаб этади.
- Дарсликларда билимларни тўплаш тажрибасини ривожлантиришга қаратилган вазифалар бўлиши керак, уларнинг баъзилари ўрганиш даражаси, назарий билимлар ёки шаклланган кўникмаларга мувофиқ юқори даражадаги компетенциялар, танқидий фикрлаш ва ижодкорликни ривожлантиришга йўналтирилиши мумкин.





2 БОБ:

ДАРСЛИКЛАРНИ ТУЗИШ ЖАРАЁНИ

2 БОБ: ДАРСЛИКЛАРНИ ТУЗИШ ЖАРАЁНИ

5. Дарсликларни ёзувчи муаллифларни танлаш

05

Энг муносиб муаллифларни танлаб олиш, дарслик бош муҳаррири билан биргаликда, эҳтимол дарсликларни такомиллаштириш жараёнидаги энг муҳим қадамдир ва бу марказий таълим бошқармаси томонидан амалга ошириладими ёки алоҳида нашриёт томониданми, ўз аҳамиятини йўқотмайди. Юқори самарали таълим тизимидаги дарсликлар одатда академик ёндашув ва амалий тажрибани бирлаштирган муаллифлар жамоаси томонидан ёзилади. Назарий билимларнинг берилишини ўқишнинг тегишли босқичида ўқувчиларнинг тил даражасини ва ушбу фаннинг педагогикасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишини таъминлаш учун маълум бир предмет бўйича умуман тажрибага эга бўлган ўқитувчилар ва айниқса мазкур босқичларга ўқитиш бўйича тажрибага эга бўлган ўқитувчиларни китоб ёзиш гуруҳларига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, айниқса, бошланғич мактаб дарсликлари учун жуда муҳимдир¹². Фақат методистлар томонидан ишлаб чиқилган дарсликларнинг самарадорлиги юқори бўлиши эҳтимоли камроқ. Амалиётчи ўқитувчилар муаллифлар жамоасига киритилган ҳолларда уларга академик мутахассислар билан тенг ҳуқуқлар берилиши керак.

«2005 - 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорида дарслик қўлёзмасини ёзиш учун муаллифни (ёки муассасани) танлаш мезонлари ва жараёни тавсифланади. Муаллифларни баҳолаш бўйича комиссияларни танлаш жараёни, муаллифлар тўғрисида маълумот, шунингдек жараённинг шаффофлиги ва беғаразлиги 3-иловада келтирилган: *"Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида"*.

Муаллифлар ёки ташкилотлар қуйидагиларни тақдим этишлари лозим:

- иштирок этиш учун ариза;
- иштирокчининг анкетаси;
- қўлёзманинг мақсад ва вазифаларни, дарслик мазмуни ва тузилишига назарий ва услубий ёндашувни, методик аппарат яратиладиган дидактик тасмояилларни акс эттирувчи концепцияси (0,5 бетгача);
- қўлёзма режаси (1 бетгача бўлимлар ва предметларнинг қисқача мазмуни)
- битта бобнинг намунавий матни.

Буни олдиндан танлаш жараёни сифатида тавсифлаш мумкин. Олдиндан танлаб олинган муаллифлар 4-иловада (*"Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисида"*) баён этилганига мувофиқ тўлиқ таклифларни тақдим этишлари мумкин. Унга кўра: *"Танлов ҳужжатлари фақат талабгорларга – муаллифлар таркибини танлаб олиш танлови ғолибларига, ўқув адабиётлари лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан шартнома тузилган шахсларга юборилади"*.

Қабул комиссиясининг аъзолари қуйидагича таърифланади:

¹² Япония ва Корея Республикасида ўқитувчилар анъанавий равишда бошланғич мактаб дарсликларини ёзиш гуруҳларини бошқарганлар (Тани ва бошқ. 1993, 75-бет; Usiskin & Willmore 2008, 99-101-бетлар).

- буюртмачининг вакиллари - Халқ таълими вазирлигининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ривожлантириш маркази;
- халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази ёки Республика таълим маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ривожлантириш марказининг мутахассислари манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакиллари (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқалар);
- илмий-педагогик жамоатчилик вакиллари;
- етакчи амалиётчи ўқитувчилар, методик кабинетлар мутахассислари, ота-оналар қўмитаси аъзолари.

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун комиссия «илмий ва педагогик жамоатчилик, олимлар, амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ва талаб этиладиган ихтисосликнинг бошқа мутахассисларидан иборат таркибда тегишли фанлар бўйича эксперт гуруҳини» тайинлайди.

Бу жараён анча шаффоф ва адолатли бўлиб кўринади ва қуйидагиларни ўз ичига олади.

- таклифларни тақдим этиш ниятида бўлган муаллифлар ва ташкилотларга баҳолаш мезонлари тақдим этилади;
- тақдим этилган таклифлар аноним баҳоланади;
- муаллифлар ўзларининг тақдим этган материаллари бўлган конвертларни очишга таклиф қилинади.

Бироқ, 548- сонли Қарорнинг 3-иловасида муаллифни ёки ташкилотни танлашда фойдаланиладиган мезонлар кўрсатилмаган ёки нечта муаллифлар ёки муассасалар тасдиқланиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Шунинг учун қуйидаги кузатувларнинг аксарияти шахсий тахминларга асосланади.

Бунда учта асосий фикр билдириш мумкин. Биринчиси, ҳозирда дарсликларнинг нашр этилиши уч босқичга бўлинганлиги билан боғлиқ:

- Муаллиф(лар) ни танлаш
- Дарслик танлови
- Ноширни танлаш

Бу тарзда босқичларга бўлиш асосли бўлиши мумкин бўлса-да, натижа РТМ ўз таҳлилида чақираётган «янги авлод дарсликлари» га олиб келиши эҳтимоли паст¹³. Сифатни таъминлашнинг ҳар бир баҳолашда бир нечта иштирокчиларни жалб қилиш орқали амалга оширилувчи бир неча босқичлари деярли фақат статус-квони сақлаб қолишга олиб келади. Муваффақиятли таълим тизимларидан биронтаси бу усул билан ишламайди, чунки муаллиф қўлэмасининг сифати билан потенциал мукофот тўловининг ҳажми ўртасида мутаносиблик йўқ; китобни ёзиш нашриётдан ажратилганида, молиявий имтиёзларнинг катта қисмини айнан ношир олади.

¹³ «Ўқув қўлланмаларини яратиш ва нашр этишнинг олдини олишнинг тизимли муаммолари» (2019 йил ноябр ойида РСО томонидан тақдим этилган тарихий ҳужжат)

Муаллифлар ва муҳаррирларнинг ҳамкорлигига асосланган қўлёзмани яратиш жараёни одатда энг яхши натижага олиб келади.

Гарчи Ўзбекистонда олиб борилаётган жараённинг дастлабки икки босқичида бошқа мамлакатларда ишлайдиган қўлёзмаларни топширишнинг икки босқичли жараёнларида ўхшашлик бўлса-да¹⁴, Ўзбекистондаги тизим сезиларли даражада фарқ қилади, чунки биринчи босқичда тақдим этилган материалларни такомиллаштириш бўйича фикрлар билдирилиши учун қайтар алоқани таъминламайди. Бунинг сабаби, шубҳасиз, мавжуд тизимдаги асосий мақсад *фақат битта дарсликни* танлашдир, шунинг учун биринчи босқич барча даъво қилинган материаллар бўйича фикр-мулоҳазаларни тақдим эта олмайди.

Куйидаги қўйилмада ҳукуматлар ноширларга бир неча босқичлардан бирида фикр билдирадиган тизимларга мисоллар келтирилган. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу тизимларда (ХХРдан ташқари) ҳукуматнинг мақсади танлов учун битта кито эмас, балки юқори сифатли бир нечта китобларни олишни таъминлашдир.

Икки босқичли тақдим этиш жараёни

Хитой Халқ Республикасида (ХХР) баҳолаш қўмитаси ноширларга батафсил шарҳларни тақдим этади. Ўзгаришлар киритилганидан сўнг, дарсликлар қайта кўриб чиқилиши керак. Дарсликларни баҳолашнинг икки босқичдан иборат жараёни қўлланилувчи Хитой ва Сингапурда дарсликнинг собиқ муҳаррири: «Иккала мамлакатда ҳам бош муҳаррир бўлиб ишлаганимда, мен батафсил мулоҳазалар ва баъзан тавсиялар ҳам олиб турардим».

Гонконгда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш кенгаши кўп босқичли маслаҳат жараёнини олиб боради. Ушбу жараён ноширлар томонидан тавсия этилган қўлёзманинг эскизлари ва намуналарини топширишдан бошланади.

Тайванда Текширув қўмитаси ўз таклифларини дарсликларини қайта кўриб чиқиши ёки ўз қарорларини асослашга уриниши мумкин бўлган нашриётчиларга йўналтиради. Текширувнинг икки ёки учта цикли мумкин.

Иккинчи изоҳ умуман экспертизага тааллуқли бўлиб, ХТВ унинг асосида тендер тўғрисида қарор қабул қилади: бошқача айтганда, дастлабки босқичда қанча ўзгаришлар қилинганига қарамай, чиқишда натижа бошқача бўладими? Бу саволнинг жавоби муаллифлар ва муҳаррирларнинг салоҳиятини ривожлантириш имкониятларига ҳам, ХТВга ҳам боғлиқ бўлиб, у муаллифлар ва муҳаррирлардан нимани кутаётгани ва инновацияларни қай даражада *рағбатлантиришини* аниқ тушунтириб беради.

Учинчи мулоҳаза сифатида шунини таъкидлаш керакки, қўмитанинг ҳам, эксперт гуруҳларининг ҳам мақсади - минимал талабларга аниқ жавоб бермайдиган аризаларни рад этиш. Бошқача айтганда, мурожаат этувчиларнинг аксарияти дастлабки танлов орқали маъқулланади. Бу ҳолда, 17-1-бандда, камида учта ариза қабул қилиниши кераклиги шарт одатда камида учта номзоднинг маъқулланишига олиб келади. Натижада, нарх омили ҳисобга олинган ҳолда, тайёр дарслик қўлёзмаси босқичида ҳал қилувчи танлов амалга оширилади. Охир оқибат фақат битта дарслик танланиши мумкин, шунинг учун харажат, қайси дарсликнинг муваффақиятли бўлишини танлашда энг муҳим омил бўлиши мумкин.

¹⁴ "Smart и Jagannathan" га қаранг, 28 бет:

РТМ томонидан муаллифларни саралаш жараёнини таҳлил қилишда таъкидланган асосий жиҳатлардан бири – бу ҳозирги муаллифлар орасида ижодкорликнинг этишмаслиги. Ушбу масала юқоридаги жараён билан ўзгариши даргумон. Сифатни таъминлаш (ёки баҳолаш)ни уч босқичга бўлиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса-да, бу кўпгина мамлакатларда муваффақиятли тизимга ўхшамайди. Кам учрайдиган истиснолардан ташқари аксарият ўрта ва юқори даромадли мамлакатларда дарсликларни сотиб олиш тизимлари мавжуд бўлиб, уларда ношир муаллифларни танлаш бўйича жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига олади. Кам учрайдиган истисноларга эса, Корея мисол бўлиши мумкин. У ерда Таълим вазирлиги бошланғич мактаб дарсликларини яратиш жараёнига ўз муаллифларини жалб қилади ва кейинчалик дарслик қўлёзмаларини чоп этиш учун тендер эълон қилади. Ҳатто Корея Республикаси мисолида ҳам икки босқичли – муаллифни танлаш, кейин ноширни танлаш тизими мавжудлигини кўрамыз, Ўзбекистондагига ўхшаш уч босқичли тизимни эмас.

Хулосалар

- Муаллифни танлашни нашриётнинг танлаш билан алмаштириш керак. Ноширлар мустақил равишда муаллифларни танлаб олишлари ва дарсликлар эскизлари ва намуналарини топширишлари шарт. Буни битта дарслик ёки ҳатто дарсликларнинг бир туркуми учун қилиш ҳам мумкин.
- Тўғри келмайдиган таклифларни аниқлаш учун минимал мезонлардан (минимал талаблар) фойдаланиш мумкин.
- Агар биринчи босқич ношир / муаллифга ўз материалларини яхшилашга имкон берадиган фикр-мулоҳазалар (қайтар алоқа) имкониятини тақдим этса, икки босқичли тақдимот жараёни жуда самарали бўлиши мумкин. Аммо, бу икки босқичли жараён, фақат битта таклиф қабул қилинадиган якуний қарорларни қабул қилиш жараёнининг бир қисми бўлиши мумкин эмас, чунки у ҳолда мижоз шаффоф қайтар алоқани таъминлай олмайди.
- Муаллифларни марказлаштирилган танлаб олиш тизими сақлаб қолинадиган бўлса, муаллифлар танловини баҳолаш мезонлари тендер ҳужжатларида эълон қилиниши керак.



6. Дарсликларни режалаштириш ва ёзиш

06

Дарсликнинг бобларини ёзишга киришишдан олдин, муаллифлар бир тизим ва режани ўйлаб чиқишлари керак: муаллифлар қандай қилиб биргаликда ишлашади ва улар бош муҳаррир билан қандай ишлайди ва шунингдек, китобнинг умумий режасини биргаликда қандай яратадилар?

Бош муҳаррир одатда бу жараёнда муҳим шахс бўлиб, у ўқув дастури ва муаллифлар ўртасидаги алоқани таъминлайди ва ўқув дастурини кенг тушунишга ва тегишли педагогик ёндашувнинг мавжудлигига асосланган ҳолда дарсликнинг умумий мақсадини назорат остига олади.

Дарсликни режалаштириш китобнинг таркибий тузилишига олиб келиши керак ва бундай таркибий тузилиш ўқув дастурининг умумий ёндашувини, унинг фанлар ва ўқиш даражаларига бўлган ёндашувини акс эттириши, ўқув режаси мазмунини концептуал жиҳатдан изчил, мазмунан ортиқча юкланмайдиган ва пухта режалаштирилган, таркибий тузилган педагогикани акс эттирадиган мавзуларнинг кетма-кетлигини ташкиллаштириши лозим.

Ҳар қандай янги ўқув дастурида дарслик муаллифлари дуч келадиган бир қатор қийинчиликлар мавжуд, шу жумладан дарсликни матнлар ва топшириқлар билан ортиқча тўлдириб юбориш иштиёқи. Муаллифлар ўқув дастуридаги мавзуларни асосий тушунчалар шаклида дарсликка ўтказишдан эҳтиёт бўлишлари керак. Бунинг ўрнига муаллифлар дарсликнинг мазмун жиҳатдан таркибини катта, қизиқарли мавзулар доирасида ташкиллаштиришлари мумкин. Мисол учун қаранг: «Табиий фанлар» предметнинг катта ғоялари билан ишлаш¹⁵.

Шуни ёдда тутиш керакки, режалаштириш босқичида қанчалик машаққатли меҳнат қилинса, натижа шунчалик яхши бўлади. Дарсликни яхши режалаштирилган таркибий тузилиш асосида, бош муҳаррир билан доимий алоқада бўлган ҳолда ёзиш, муаллифларга ўқитувчилар ва ўқувчиларга фойда келтирадиган яхши дарсликни яратишда ёрдам беради.

Дарслик муаллифлари ҳар сафар сифат нимани англатишини ўйлаб кўришлари керак (юқорида 4-бўлимда айтиб ўтилган). Таълим сектори режасида (ТСР) сифатга оид деярли барча маълумотлар «ўзлаштириш юқори даражаси»га тенглаштирилади, яъни юқори сифат - бу юқори академик натижаларни англатади. Бироқ, 4.4.3. "Таълим, педагогика ва баҳолаш" бўлимида сифат тушунчаси ўқитиш учун «сифатли вақт» ва синфда бажариладиган топшириқларнинг «характери сифати» мезонларини ўз ичига олади. Сифатнинг муҳим жиҳати дарсликда берилган топшириқлар ёки ўрганиш тажрибасининг моҳиятидан иборат.

Сифат тушунчаси қанчалик мослашувчан? Дарслик муаллифлари ўқувчиларнинг ўзлари қайси турдаги ишларни юқори сифатли топшириқлар деб ҳисоблашлари тўғрисида ўйлаб кўришлари керак. Эҳтимол, бу қизиқарли бўлган ва бир вақтнинг ўзида ўқувчига ўз қобилиятларини намойиш этишга имкон берадиган вазифалар бўлиши мумкин, масалан, муаммоли масалалар ва ечимларни топишга асосланган топшириқлар бўлиши мумкин, хоҳ улар тил ва адабиёт, хоҳ математика, табиий фанлар ёки бошқа предметлар бўлсин. Дарслик учун юқори сифатли ўрганиш тажрибасини ишлаб чиқишда дарслик муаллифлари ўқитувчи ўқувчилар билан ишлаши учун вақт ажратишлари керак, шунда улар иш пайтида ўқувчиларни кузатиб боришлари ва қўллаб-қувватлашлари мумкин бўлади. Дарсликнинг юқори сифатли якуний баҳоси айнан шу зайлда таъминланади.

Ўрганиш тажрибаси ўқувчиларга у ёки бу усул фойдасига танлов қилишга имкон беради. Бу индивидуал иш бўлиши мумкин, жуфтликда ёки ҳатто гуруҳда ишлаш бўли-

¹⁵ <https://www.ase.org.uk/bigideas>

ши мумкин. Шунинг учун дарсликлар муаллифлари топшириқларни бажариш усулларини (якка ҳолда, гуруҳда) ва ўқитувчини ушбу жараёндаги бевосита иштироки даражасини ҳисобга олишлари керак.

Муаллифлар ўқувчиларни жорий ва якуний баҳолашнинг дарсликдаги тизимини ҳам кўриб чиқиши керак. Ўқитувчилар кўпинча ягона мақсад – якуний имтиҳондан ўтишдан иборат бўлганда ўқитиш ҳаддан зиёд тор бўлади деган саволни кўтарадилар. Худди шунингдек, кўплаб дарсликлар асосан ўқувчилар билимини синаш мақсадида ёзилган ва кўплаб дарслик муаллифлари томонидан қабул қилинган устувор ёндашув – ўқувчилар ўз билимлари ва компетенцияларини янада кенг намойиш эта оладиган очиқ саволлар билан ёпиқ саволларни мувозанатлашдан эмас, ўқувчиларнинг тўғри ёки нотўғри жавобларини танлашдан иборат бўлиб қолган. Дарсликлар миллий баҳолаш учун юқори таъсирга эга бўлган моделларни тақдим этади, аммо улар ўқитувчи ва ўқувчиларга академик кўрсаткичлар ҳақида фойдали маълумот ҳам бериши керак.

Кўпчилик компетенцияга асосланган ёндашувларнинг фундаментал жиҳати бу олинган билим ва кўникмаларни реал ҳаётда қўллаш қобилиятидир. Муаллифлар, шунингдек, фактлардан, реал ҳаёт мисоллардан фойдаланишлари мумкин ва бунда уларнинг барча икир-чикирлари эътиборга олиниши лозим, чунки кўпинча дарсликлардан сунъий равишда яратилган мисоллар айнан шулар мавжуд эмас. Ҳақиқий ҳаёт ва ўрганилаётган фан ўртасидаги алоқа нуқталарини аниқлаш вазифасидан ташқари, синфдаги шароитлар воқелик моделларини қайта яратишга имкон берадими деган савол туғилади. Шундай қилиб, ўқув тажрибасини «ҳақиқий ҳаёт» билан таққослашга ҳаракат қилишдан ташқари, дарслик муаллифлари ўқувчиларни нима ундаши, уларнинг фикрлашлари ва қизиқишини уйғотадиган нарса ҳақида ўйлашлари мумкин.

Хулосалар

- Предмет ва тегишли синф бўйича академик ва педагогик билимларни бирлаштирган бош муҳаррир муаллифларга қимматли кўрсатмалар бериши мумкин.
- Дарсликнинг ташкилий асослари қизиқарли ва анъанавий топшириқларнинг мантиқий кетма-кетлигига асосланиши керак.
- Таълим ҳар доим тегишли билим ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилиши керак.
- Муаллифлар дарсликнинг баҳолашга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини таҳлил қилишлари керак.



7. Дарсликларга техник талаблар

07

146-Қарорда барча босма қўлланмаларнинг жисмоний хусусиятлари батафсил баён этилган. Дарсликларнинг мазмуни ва педагогик ёндошувининг хусусиятлари қуйида, 8-бўлимда кўриб чиқилади.

146-Қарорда белгиланган талаблар асосан соғлиқни сақлаш билан боғлиқ. Босмохона бўёғи ва елими сифатига бўлган талаблардан ташқари, ушбу талабларнинг аксарияти юқори самарали таълим тизимига эга бўлган кўпгина мамлакатларда дарсликларни тасдиқлаш тўғрисидаги қонунчилик томонидан ҳал этилмайди (гарчи қоғоз туридаги спецификация ишлатилган қоғознинг келиб чиқиши манбасига талаб қўйиши мумкин).

146-Қарордаги бир нечта талаблар, масалан, 1-синф дарсликларида рухсат этилган сўз кўчиришлар миқдорини, иш дафтаридаги топшириқларни бажариш учун бўш жойнинг фоизини, расмларнинг умумий майдони миқдорини ва сериф ва санс-сериф шрифтларидан фойдаланиш каби талаблар бўйича саволлар туғилиши мумкин. Қуйида халқаро стандартлар ва тадқиқотлар асосида батафсил таҳлил тақдим қилинган.

Матннинг техник хусусиятлари

Дарсликларнинг график хусусиятлари 146-сонли Қарорнинг III бобида келтирилган ва ўқув жараёнида ўқувчилар соғлиғини сақлаш қоидаларини ўз ичига олади. Талаблар одатдагидан кўра батафсилроқ тавсифланган.

Масалан, матн шрифтлари ва ўлчамларига келсак, аксарият ҳолларда халқаро ноширлар маълум диапазондаги ўзгаришлардан фойдаланадилар. Ваҳоланки, Гонконг каби бир қатор мамлакатларда дарсликлардаги баҳолаш бўйича баъзи тизимлар маълум шрифт ўлчамларини талаб қилади

Одатда ишлатиладиган шрифт тури ва унинг ўлчамлари тартибсизликка йўл қўймаслик учун ўқув қўлланмада изчил бўлишлиги келишиб олинади. Собиқ Таълим Департаменти (ҳозирги Таълим Бюроси) томонидан нашр этилган «Eucare» ("Кўриш аъзоларини парваришлаш") даврий нашрига кўра, яхшироқ ўқиш учун шрифтнинг минимал ҳажми Microsoft Word муҳарририда 12 шрифт ҳажмига тенг бўлиши керак. Бироқ, кўзни чарчатмаслик ва ўқиш қулайлигини ошириш учун, айниқса, бошланғич мактаб учун катта ҳарфлардан фойдаланиш тавсия этилади¹⁶.

..шрифт ва шрифт ўлчамлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар ишончли натижаларни тақдим этмаяпти. Масалан, «болалар ўқиш тезлиги ва аниқлиги нуқтаи назаридан горизонтал макондан фойдаланишдаги ўзгаришларга жуда бардошлидир» (қаранг Рейнолдс ва Уокер, 2004).

146-Қарор тадқиқотларига асосланиши кутилаётган бўлсада, аммо ҳеч қачон илмий далиллар бўлмаган ёки далиллар бир-бирига зид бўлган бир қатор ҳолатлар мавжуд. Масалан, сериф ёки санс-сериф шрифтларни яхшироқ ўқиш мумкинлиги ҳақида жуда кам далиллар мавжуд: "биздаги маълумотлар фақат серифларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги билан фарқ қиладиган шрифтлар ўртасида ўқилиши борасида ҳеч қандай фарқни кўрсатмади" (қаранг Arditi ва Cho, 2005).

Ихтисослашган мактабларга келсак, ўқиш маҳоратининг дислексияга боғлиқ қийинчиликларидан ташқари, шарҳлаш учун ҳеч қандай далилларим йўқ. Ўқиш бўйича

¹⁶ <https://www.edb.gov.hk/en/curriculum-development/resource-support/textbook-info/GuidingPrinciples/index.html> (TL-5)

етакчи мутахассис Тимоти Шанахан 2019 йилда ўз блогида дислексия учун шрифтлар ҳақида ёзган эди:

«Фақат битта тадқиқотда шрифт турининг қандайдир фойда келтириши ҳақида хабар берди - бу тадқиқотда дислексияси бўлган ўқувчилар матнни тезроқ ўқий олишди (Маринус ва бошқалар. , 2016) Ушбу натижа шрифт дизайни билан эмас, балки ҳарфлар орасидаги сўзлар ва сўзлар орасидаги бўшлиқдан келиб чиққан кўринади. Тадқиқотчилар стандарт шрифтларда бўшлиқни кўпайтирдилар ва худди шундай таъсир кузатилди. Масулли (2018) шунингдек бу катта интерваллар дислексик болаларда ўқиш тезлигини оширишини аниқлади., аммо бу таъсир дислексик бўлмаган ўқувчиларда ҳам бўлиши аниқ эди¹⁷».

Бошқа томондан, қандай шрифтлардан фойдаланиш бўйича келишиб олиш энг муҳим жиҳатлардан биридир. Турли мамлакатларда муҳаррир ёки дизайнер шрифтлардаги (қалин, курсив, бош ҳарфлар, ранглар), сарлавҳалар ва ҳатто саҳифа тузилишида ҳаддан зиёд вариациялар қўллаган дарсликларнинг кўплаб намуналарини топишингиз мумкин. Шрифтлар вариациялари чекланган бўлиши ва аниқ ўқув мақсадларига эга бўлиши керак.

Шакл бериш

Матн тузилишининг бир нечта устунларидан фойдаланиш танловини ноширга қолдириш керак.

Қатор узунлиги нуқтаи назаридан (яъни, жумлада эмас, балки сатрда белгилар сони) кенг тарқалган умумий қоида (нашриёт саноатида қабул қилинган амалиётга асосланиб), ҳар бир сатрдаги белгилар сонини, бўш жойларни қўшиб ҳисоблаганда, 65 тадан оширмасликдан иборат: <https://eric.ed.gov/?id=EJ749012>

Бироқ, қуйидаги материалда онлайн матнлар учун белгилар сонини хавфсиз равишда ошириш мумкинлигини таклиф қилинади: <https://www.viget.com/articles/the-line-length-misconception/>

Тасвирлар

146-Қарорда рангни ишлатиш тўғрисида сўз юритилмаган бўлса керак, аммо бу муаммо эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи бир график элементларнинг аниқ хусусиятлари дарсликларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда ишлатиладиган хусусиятлардан фарқ қилиши мумкин. Масалан, расмнинг функцияси, ўлчам ёки ранг каби омиллардан кўра муҳимроқдир, иккаласи ҳам расм фойдасига хизмат қилиши керак. Ушбу қарор ношир томонидан (нашрга тайёрлайдиган дизайнер ва расм томонидан) ва мамлакат дарсликларини баҳолаш жараёнида қабул қилиниши мумкин.

Ҳужжатда келтирилган баъзи хусусиятлар борасида мутахассислар ўртасида кенг муҳокамалар мавжуд. Масалан, бошланғич синфларда ўқиш материалларида тасвирлардан фойдаланиш кўпчилик томонидан ўрганишнинг муҳим қисми сифатида қабул қилинади¹⁸. Бир томондан, Жаҳон банкининг мунтазам маслаҳатчиси Хелен Абадзи каби когнитив психологлар, таъкидлашича: «Расмлар фақат долзарб бўлса ва автоматизмга оид маҳоратни ривожлантиргандан сўнг, ишчи хотира ҳам ҳарф-

17 <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0042698918302074>

18 <https://readingrecovery.org/the-three-cueing-systems-in-beginning-reading-instruction-good-idea-or-hoax/>

ларни, ҳамд расмларни сақлаши мумкин бўлган ҳолатда фойдали бўлади¹⁹». Кўпгина профессионал дарсликлар муаллифлари ва халқаро дарсликлар ва болалар китобларининг нашриётчилари учун ёш китобхонлар учун китобларда фотосуратлардан фойдаланиш анъанаси фойдали бўлади.

Гонконг мезонлари мисолида дарсликларни баҳолаш мезони фойдали бўлиши мумкин²⁰:

Барча турдаги иллюстрациялар - фотосуратлар, чизмалар ва графикалар - ўқишни рағбатлантириш ва енгиллаштириш учун аниқ, долзарб, самарали ва тегишли равишда шарҳланган бўлиши керак. Улар ўқувчилар диққатини дарс предметсига йўналтиришлари керак, уларни чалғитмасликлари керак. Графикани ўрганиш учун фойдали қиладиган бир қатор омиллар мавжуд. Жумладан:

- *расм матнга мос келиши керак. Расмлар ва иллюстрациялар нафақат гўзаллик учун қўшилади, балки уларнинг матн билан алоқаси тўғридан-тўғри белгиланиши ёки тегишли матн сегментига яқинлиги билан аниқ бўлиши керак;*
- *графика кетма-кетлиги ривожланиш босқичларига мос келиши керак;*
- *матн ва графика ўртасида лозим бўлган мувозанат бўлиши керак.*

Китобларнинг жисмоний хусусиятлари ва вазни

146-Қарор дарслик вазнига, матн турига ва қопламига қўйиладиган талабларни белгилайди. Булар дарсликнинг ишлаш муддатига ва шунинг учун уни нашр этиш нархига таъсир кўрсатадиган муҳим хусусиятлардир. Агар сиз ушбу талабларга ўзгартириш киритишингиз керак бўлса, унда китоб ишлаб чиқариш бўйича мутахассис тегишли тавсияларни бериши мумкин.

Ушбу қарорнинг 19-бандида ҳар бир таълим даражаси учун дарсликларнинг максимал ҳажми кўрсатилган. Бошқа мамлакатларда дарсликларнинг вазнлари камдан-кам ҳолатларда кўрсатилади, гарчи кўплаб давлатлар мактаб дарсликларининг умумий вазнини камайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳиндистонда 2018 йилда оғир сумкаларнинг кичик ёшдаги болаларга етказадиган зарари ҳақида ташвишланиш сабабли, мактаб сумкасининг максимал оғирлиги 1-2 синфлар учун 1,5 кг ва 3-5 синфлар учун 2-3 кг. Белгиланган. Америка педиатрия академияси мактаб сумкалари боланинг умумий оғирлигининг 10-20 фоизидан ошмаслигини тавсия қилади.

Хулосалар

- Умуман олганда, матн ва графикага бўлган талаблар қайта кўриб чиқилиши ва камроқ чекланган бўлиши керак. Ҳар бир талаб учун асослаш тақдим этилиши керак.
- Китобларнинг максимал миқдорини (саҳифаларнинг максимал сони бўйича) ўқитувчилар ва китоб ишлаб чиқариш бўйича мутахассислар маслаҳатлари асосида қайта кўриб чиқиш мумкин.



19 <http://www.usfq.edu.ec/eventos/mbe/Documents/recursos/MBE-2013-reading-Abadzi.pdf>

20 <https://www.edb.gov.hk/en/curriculum-development/resource-support/textbook-info/GuidingPrinciples/index.html>

8. Дарсликларни баҳолаш ва тасдиқлаш

08

Дунёнинг аксарият мамлакатлари дарсликларни баҳолаш ва тасдиқлашнинг баъзи шаклларидан фойдаланадилар. Ҳатто Таълим вазирлиги дарсликларга буюртма берган марказлаштирилган тизимда ҳам одатда номинал баҳо тизими мавжуд, аммо бундай баҳолашнинг таъсири чекланган.

Юқоридаги 5-бўлимда 548-сонли Қарорнинг 3- ва 4-иловаларида келтирилган муаллифлар ва тугалланган қўлёзмалар танловининг икки босқичли жараёни тасвирланган. Тендер комиссияси ва экспертлар гуруҳини тузиш жараёни дарсликларни танлашда ҳам, муаллифларни танлашда ҳам бир хил.

4-илованинг 21-бандида умумий баҳолаш мезонлари мавжуд. Унда, шунингдек, баҳо «тендер ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга асосланиши керак», дейилади. Бу эса, савдо иштирокчилари учун батафсил танлов мезонлари берилиши мумкинлигини кўрсатади. Бошқа томондан, 22-бандда «батафсил баҳолаш мезонлари тендер конвертлари очилгунга қадар тендер комиссияси томонидан берилади» деб ёзилган бўлиб, у тендер комиссияси тендер эълон қилинган вақт билан таклифларни қабул қилиш вақти оралиғида баҳолаш мезонларини қайта кўриб чиқиши мумкинлигини англатади.

21-бандда шундай дейилган:

Қуйидагилар ўқув адабиётларини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

- ўқув адабиётларининг давлат таълим стандартларига, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқлик даражаси;
- таклиф этилаётган ўқув материалнинг узвийлиги ва изчиллиги таъминланганлиги даражаси, шунингдек предметлараро алоқанинг таъминланиши;
- таклиф этилаётган ўқув материалнинг илмий-педагогик асосланганлиги;
- предметга миллий мустақиллик ғояларининг сингдирилганлиги даражаси;
- ўқув материалнинг таълим олаётганларнинг психологик ва ёш хусусиятларига, шунингдек уларнинг билимлари даражасига мувофиқлиги;
- баён этиш тилининг равлонлиги, таклиф этилаётган материалнинг кўрғазмалилиги ва расмлар илова қилинганлиги;
- назарий материалнинг машқлар, вазифалар ва амалий машғулотлар билан мақбул нисбати;
- таклиф этилаётган макет дизайнининг сифати.

Ўз ҳолича ушбу мезонларни бошқа кўплаб мамлакатларнинг мезонлари билан таққослаш мумкин. Бироқ, юқорида келтирилган мезонларда дарслик учун яхши педагогик базанинг аҳамияти баландлиги кам акс эттирилган. Бундан ташқари, «илмий ва педагогик асослилиқ» ҳар бир предмет ва ўрганиш даражасида турлича бўлганлиги сабабли, ҳар бир предмет соҳаси учун мезонлар ишлаб чиқиши керак.

Охир-оқибат, мезонларнинг самарадорлиги уларнинг муаллифлар ва ноширлар томонидан қандай талқин қилинишига, дарслик сифатини баҳолашда қандай қўл-

ланилишига, предмет ва таълим даражасининг ўзига хос эҳтиёжларига қанчалик мослаштирилганлиги ва баҳолашни ўтказишга ким жавоб беришига боғлиқ бўлади.

Дарслик муаллифлари ва ноширларнинг мезонларни қандай изоҳлашлари РТМ томонидан тақдим этилган ҳужжатларга боғлиқ бўлади. Агар ўқув дастури ўқув адабиётлари предметларидаги стандартлар ва ўқув дастурлари ва педагогик ёндашувларни қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнаши мумкин бўлса, бу дарсликларнинг яхшиланишига олиб келади.

Муаллифларни танлаш мезонларини қўллаш, шубҳасиз, умуман бошқача тарзда амалга оширилиши керак. 4-илованинг 5-бандида кўрсатилган танлов комиссиясининг ҳажми, батафсил маълумотга эътибор беришни талаб қиладиган дарсликнинг мазмунини баҳолаш ишларини бажариш учун жуда катта бўлиши кераклигини кўрсатади.

Баҳолаш учун эксперт гуруҳини танлаш 4-илованинг 19-бандида келтирилган. Ушбу гуруҳ ўз ишини 30 кун ичида якунлаши шарт. Уларнинг ишларининг сифати бир нечта омилларга боғлиқ, шу жумладан баҳоловчилар хулосаларининг (дастлабки, амалий баҳоларни) ишончлилиги ва асослилигини, уларнинг ишларининг форматини (битта хонада гуруҳларда ишлашни ёки даврий йиғилишларда ёки масофадан ишлаш усули) таъминлайдиган яхши «модератор»²¹ мавжудлиги ва уларнинг баҳосини тушунтириш учун тақдим этадиган мантиқий асосга боғлиқ. Яна бир муҳим омил - бу амалиётчи ўқитувчиларнинг иштироки даражаси ва дарсликнинг баҳосини шакллантиришда уларнинг тенг овозга эгаллиги.

Ҳужжатда қўлёзма баҳоланиб, тасдиқлангандан кейин грамматик хатолар ёки типографик хатолар қандай тузатилиши баён этилмаган. Бу муҳим камчилик.

Апробация

Дарсликларни синовдан ўтказиш билан боғлиқ қоидалар мавжуд эмас. Гарчи бу ажабланарли эмас, чунки муаллифнинг фикрига кўра дарсликни синаб кўриш уни баҳолаш жараёнининг зарурий элементи эмас. Агар баҳолаш жараёни танланган баҳоловчилар, шу жумладан маълум бир фанни керакли даражада ўқитишда тажрибага эга бўлган тавсия этилган ўқитувчилар томонидан амалга ошириладиган бўлса, бу назарий жиҳатдан дарсликларнинг самарадорлиги ёки етишмовчиликларини кўрсатиб беради. Мактабларда дарсликларни бир ёки бир неча ой давомида синаб кўриш қимматга тушиши мумкин, айниқса, агар фикр-мулоҳазалар мутахассислар айтганидан кўра муҳимроқ изоҳларга эга бўлмаса.

Хулосалар

08



- Баҳолаш мезонлари умумий талабларни ҳам, аниқ фанларга нисбатан аниқ талабларни ҳам акс эттириши керак ва улар танлов эълон қилинган пайтда дарсликлар муаллифларига тақдим этилиши керак.
- Таълим стандартлари сифати ва фанларни ўқитиш ва баҳолаш методологиясининг тавсифи дарсликларни ёзиш сифатига таъсир кўрсатиши эҳтимоли юқори.

²¹ Баҳолаш модераторининг роли ҳақида қўшмча маълумот учун "Smart & Jagannathan" (2018) қаранг

- Дарсликларни баҳоловчи (эксперт гуруҳлар) таркибига тажрибали ўқитувчилар ва академик экспертлар киритилиши керак ва агар улар тажрибали модератор томонидан бошқарилса, самарали ишлашлари мумкин.
- Дарслик баҳоловчилари ўзлари қўйган баҳоларни асослаб беришлари керак.
- Баҳоланган ва тасдиқланган дарсликлар чоп этиш учун юборилишидан олдин фактларнинг аниқлиги ва тил даражаси текширилиши керак.

9. Дарслик нархи ва молиялаштириш

Ўзбекистонда дарсликларни сотишнинг учта усули мавжуд: Президентнинг 362-сонли қарорида 1-синф ўқув адабиётлари бепул тақдим этилади ва қўшимчалар чакана савдода сотилиши мумкинги хусусида сўз боради. Биринчи синфдан юқори бўлган барча ўқувчилар учун йиллик дарсликлар тўплами пуллик ижараси тизими мавжуд.

09

Мактаблар дарслик тўловларини биринчи синф ўқувчилари ва кам таъминланган оилалардан ташқари ҳолларда ўқувчиларнинг ота-оналаридан қабул қилиб олади. Ижара ҳаққи ҳар йили Молия вазирлиги томонидан ҳисоблаб чиқилади. Ижара ҳақи Республика мақсадли жамғармасининг (дарсликларни ижарага бериш жамғармаси) васийлик кенгаши томонидан белгиланади. Жамғарма дарсликларнинг ижарасини ҳисоблаб чиқади ва тўлайди ва улар учун йиллик ижарани белгилайди (363-сонли қарорнинг 8-банди). Бунга 3-6-синфлар учун ҳорижий (инглиз, француз, немис) тиллар учун сарфланадиган ишчи дафтарларни етказиб бериш ҳам киради. Мактаблар ўқувчилардан ижара ҳақини йиғадилар ва уларни ХТВга ўтказадилар. Жамғарма 963-сонли фармонга мувофиқ миллий миқёсда васийлар томонидан бошқарилади.

Ушбу тизим деярли 20 йил давомида яхши ишлади, барқарор ва, кўриниб турибдики, ташқи таъсирлардан холи. Агар ҳукумат давлат мактабларидаги барча ўқувчилар бепул дарсликлар билан таъминланувчи бепул бошланғич таълимни жорий қилишни режалаштирмаётган бўлса, у ҳолда мавжуд, ўзининг самарадорлигини намойиш этган, дарсликларни ижарага бериш тизимини давом эттириш мақсадга мувофиқдир ва у дарсликларнинг кўп вариантлари қўлланилувчи сиёсат доирасида ҳам қўлланилиши мумкин²².

Кўпгина мамлакатларда бир йил ёки бир неча йил давомида дарсликдан фойдаланиш ўртасидаги фарқ харажатларнинг энг катта қисмини ташкил қилади. Гарчи юқори даромадли мамлакатлардаги самарадорлиги юқори бўлган тизимларда дарсликлардан фақат бир йил давомида фойдаланилса-да, яхши сақланган дарслик - ҳатто китобларни сақлаш қийин бўлганда бошланғич синфларда ҳам, - 2-3 йиллик фойдаланишга дош бера олиши керак. Албатта, дарсликларни қайта ишлатиш қоғознинг сифати, қопламаси ва тикув сифатини яхши бўлишини талаб қилади. Ўзбекистонда дарсликларни нашр этиш ва уларга ишлов бериш талаблари дарсликлардан узоқ муддатли фойдаланишни таъминлашга қодирга ўхшайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари

²² Масалан, Арманистонда дарсликларни ижарага олиш тизимида ҳукумат 1-4 синфлар учун дарсликларни бепул беради, 5-12 синфлар учун дарсликлар эса ижара тизими орқали тўланади. Баъзи фанлар ва ўқиш йиллари учун 2 та дарслик танлови мавжуд, аммо бошқа ўқув йиллари учун фақат битта дарслик тасдиқланган. Барча дарсликлар тижорат нашриётлари томонидан нашр этилган

тўғрисида» 2006 йил 1 июндаги 363-сонли Қарорида (2006 йил 1-июн) 15 йилдан бери мавжуд бўлган ва самарали ишлаётган дарсликларни ижарага бериш тизими тавсифланган. Чоп этилган ҳисоботлардан ва мактабга ташрифларда олинган чекланган миқдордаги далилларида келиб чиққан ҳолда, дарсликлардан фойдаланиш имкониятини яхши деб тахмин қилиш мумкин. Утказилган интервьюларнинг бирортасида дарсликларнинг етишмаслиги муаммо сифатида тилга олинмаган.

Дарсликларни ижарага бериш жараёни ва дарсликларни яратиш харажатлари ўрта-сидаги боғлиқлик, шунингдек, тендер якунланганидан кейин ижара ҳақи тўланади-ми, аниқ эмас.

Хулосалар

Ҳар йили дарсликларни ижарага бериш тизимини ўзгартирмаслик лозим.

09



10. Дарсликларнинг тўлов тизимлари

10

Бир нечта дарслик вариантлари мавжуд бўлган тизимда дарсликларни танлаш

Хусусий ноширлар дарсликларни чоп этадиган ва етказиб берадиган, у ёки бу муаллифнинг дарслигини танлашга асосланган тизимда муаллифларга асосланган дарслик тизимида дарсликларни тасдиқланган рўйхатдан танлаш одатда мактаб ёки маҳаллий маъмурият зиммасига тушади. (Япония каби мамлакатларда, дарсликни танлаб олишни маҳаллий маъмурлар амалга оширади).

Дарсликларни танлашдаги устуворлик нашриётларнинг шартларига бевосита боғлиқдир.

Бир нечта дарслик вариантлари мавжуд бўлган тизимда дарсликларни етказиб бериш

Нашриёт дарсликларни тўғридан-тўғри мактабларга етказиб бериши мақсадга мувофиқдир. Дарсликларни етказиб бериш ноширлар зиммасига юкланганида улар тўловни олишлари учун таъминотни тўғри амалга оширишдан манфаатдор бўладилар.

Албатта ХТВ дарсликлар таъминотини ўзи бошқаришни афзал кўриши мумкин (масалан, бу Грузиядаги тизим, лекин бу одатдаги тизим эмас) ва у ҳолда ноширлар дарсликларни ХТВга етказиб беришади.

Бир нечта дарслик вариантлари мавжуд бўлган тизимда дарсликлар учун тўлов

Агар мактаб дарсликлар учун ижара ҳақини тўлашни давом эттирса, у ҳолда иккита асосий вариант мавжуд:

- Мактаб ХТВ-га пул юборади, у эса, нашриётларга тўловни амалга ошириши

мумкин

ёки

- Мактаб нашриётларга тўғридан-тўғри тўлайди.

Танлов қисман дарсликларнинг қандай тақсимланишига боғлиқ бўлади. Агар нашриёт мактабларга дарсликларни етказиб берадиган бўлса, мактаблар нашриётларга тўғридан-тўғри ҳақ тўлашлари осонроқ бўлади. Бундай ҳолатда, мактаб китобларнинг тўғри етказиб берилишини текшириш учун жавоб беради - одатий тижорат битими. Маҳаллий ҳокимликлар дарсликларни танлаш учун жавобгар бўлса ҳам, китобларни тўғридан-тўғри мактабларга жўнатиш мумкин, улар нашриётларни тўлаш мажбуриятини олади.

Агар ХТВ дарсликларни ўзи тарқатишга қарор қилса, унда ХТВ улар учун пул тўлаши мантиқан тўғри бўлади.

Тўловни тўлаш тўғрисидаги қарор кўп жиҳатдан таълим тизимининг молиявий тузилишига ва мактаблар эга бўлган автономия даражасига боғлиқ бўлади.

Вариатив дарсликлар (ихтиёрий дарсликлар) бўлган тизимда харажатларни бошқариш

Вариатив дарсликлар тизими ҳозирги ягона дарслик тизимига қараганда анча қиммат бўлиши учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Бир нечта дарслик вариантлари мавжуд бўлган кўпгина тизимларда харажатлар биров ошиши мумкин, чунки ҳар бир ношир ўз китобларини тайёрлаш учун жавоб беради ва шунинг учун етказиб бериш харажатларида (тизим даражасида) ўхшашликлар мавжуд. Харажатларнинг бундай кичик ўсиши дарсликларнинг хизмат қилиш даврига қараб мувозанатлаштирилиши мумкин. Масалан, қуйи синфларда, 2-4-синфлар учун дарсликлар, агар техник хусусиятлари биров яхшиланса, ҳозирги икки йил ўрнига уч йилга мўлжалланган бўлиши мумкин, бу эса дарсликларни нашр этиш нархини сезиларли даражада камайтиради. (Бунинг учун бир оз изланиш керак бўлади.)

Керак бўлган вақтда ХТВ харажатларнинг ота-оналар зиммасига тушадиган улуши масаласини хал қилиш учун таклиф қилинган янги дарслик сиёсатини муҳокама қилишга ноширларни жалб қилиши керак.

Хатарларни камайтириш

Бир қатор эҳтимолий хатарларни кўриб чиқиш лозим:

Тахмин қилинувчи хатар	Асос	Жавоб
Дарсликлар мактабларга кеч етказиб берилиши мумкин.	Агар ХТВ жараённи бевосита ўзи назорат қилмаса, тартибсизлик (хаос) юзага келади.	Ноширлар китобларни етказиб бермагунларига қадар уларга тўлов амалга оширилмайди.
Дарсликларга буюртмалар тўғри бўлмаслиги (китоблар ёки уларнинг миқдори нотўғри танланган бўлиши).		Мактаблар китоблар турлари ёки миқдори тўғри бўлиши бўйича масъул бўладилар.

Тахмин қилинувчи хатар	Асос	Жавоб
Қишлоқлардаги мактабларга шаҳарлардаги мактаблардагидек яхши хазмат кўрсатилмаётган бўлиши мумкин.	Ноширлар баъзи мактабларга етказиб беришидан олган фойдалари миқдори пастлиги улар етказиб беришга сармоя киритишларига тўсқинлик қилаётган омил бўлиши мумкин.	Бу энг асосий хатар бўлса керак. ХТВ ҳар қандай кечикишларни кузатиб бориш ва ноширлар билан алоқада бўлиш учун яхши маълумот тизимига эга бўлиши керак. ХТВ тасдиқланган дарсликларнинг барча ноширлари билан шартнома даражасида жарималар тизими ни музокара қилиши мумкин.
Мактаблар харажатларни тўғри тақсимлай олмайдилар	Мактаблар – ҳисоб-китоб маскани эмас, таълим масканидирлар.	Мактаблар дарсликлар учун тўловни йиғиш ва ўтказиб бериш билан шуғулланмайди.
Тизимга оид харажатлар ошиб кетиши мумкин.	Агар жараёнга тижорат нашриётлари жалб қилинса, фойда тамойили муқаррар равишда нархларнинг кўтарилишига олиб келади.	ХТВ дарсликларнинг нархини назорат қилиши ва масалан, дарслик қўлланилиши муддатига ўзгаришларни амалга ошириши мумкин. ХТВ нашриётларни бу жараёнга жалб қилиши мумкин, шунда улар нархлар кўтарилганда ота-оналари олдига ҳисобот беришади.

Хулосалар

Дарсликларнинг маҳаллий даражасида танланиши услубига ўтган баъзи давлатларда бундай қилинишига сабаб қисман ушбу соҳадаги коррупцияни камайтириш режаси билан боғлиқ бўлди – дарсликни танлашни марказлаштирмаслик билан нашриётчилар бу жараёнга таъсир қилиш хавфи камроқ бўлади, чунки ҳар бир мактаб томонидан қилинган танловга таъсир қилишнинг иложи йўқ деб таъкидланади.



11. Дарсликларни яратиш ва тарқатиш

11

548-сонли қарорнинг "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш ва қайта нашр қилиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисида"ги 5-илоvasида тасдиқланган дарсликларни чоп этиш учун тендер жараёни баён этилган. Унда айтилишича, дарсликларни чоп этиш ва етказиб бериш бўйича тендер савдоси бир босқичли, икки конвертли бўлиб, унда қатнашувчилар ўз нархларини техник таклифларидан алоҳида тақдим этадилар. 57-бандда шундай дейилган: «Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш якунлари йиғиндиси бўйича тендер таклифи энг кўп балл олган оферент савдонинг ғолиби деб эълон қилинади. Балларнинг якуний йиғиндиси тенг бўлган тақдирда энг кам нарх таклифларини таклиф этган оферентга устунлик берилади.»

Маълум бўлишича, 548-сонли қарорда талабгорларнинг таклифлари ошмаслиги керак бўлган максимал нарх белгиланади, 33-бандда эса «нашр этиш ва қайта нашр этиш мўлжалланган ўқув адабиётининг номи, нусхаси ва максимал қиймати» тилга олинади. Бу харажатларни бошқаришнинг самарали усулига ўхшайди.

Ҳозирги кунда барча дарсликлар Ўзбекистон ҳудудида чоп этилган, аммо 548-сонли Қарорнинг 5-илоvasи, 17-бандида чет эллик иштирокчилар тендерларда иштирок этишлари мумкинлиги айtilган.

Дастлабки ташриф давомида ўтказилган интервьюлар шуни кўрсатдики, ХТВ нафақат энг паст нарх эгаси билан эмас, балки бир нечта савдо иштирокчилари билан шартнома тузмоқда. Шартномани учта таклиф ўртасида тақсимлаш жараёни қоидаларда тавсифланмаган ва бу унчалик шаффоф жараёнга ўхшамайди.

Тендер ғолибини танлаш мезонлари қоидаларда кўрсатилмаган. 54-бандда шундай дейилган: "Тендер таклифларини баҳолаш ва савдо ғолибини аниқлаш тендер комиссияси томонидан унинг мажлиси бошлангунга қадар тасдиқланган мезонлар асосида амалга оширилади".

Хулосалар

- Агар чоп этиш ва етказиб бериш шартномалари дарсликни ёзиш ва нашр этиш шартномаларидан алоҳида бўлса, ноширни баҳолаш мезонлари тендер эълонига киритилиши керак.
- Бундан ташқари, мижоз биттадан ортиқ таклифни танлаши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мослашувчан имкониятлар тендер эълонида аниқ кўрсатилиши керак.
- Асосий тавсиялар шундан иборатки, дарсликларни тайёрлаш (ва етказиб бериш) одатда нашриётнинг вазифаларига киради. Ушбу жараённи ҳозирги уч босқичли жараёндан - муаллиф, ношир, босма / таъминотчидан - бир босқичли жараёнга айлантириш ушбу тизимни кўпгина юқори самарали таълим тизимидаги тизимлар билан таққослашга имкон беради. Дарсликни яратиш ва нашр этиш босқичларини бирлаштириш фойдасига қисман сифатни яхшилаш (муаллиф ва муҳаррир ўртасидаги ҳамкорлик фойдалари) ва қисман молиявий сабаблар (муаллифларни рағбатлантириш) далил бўла олади. Нашрга тайёрлаш ва босманинг ўзини битта моддага бирлаштириш учун асос асосан молиявий (нашриётчиларни рағбатлантириш) сабаблардан иборат бўлади.



12. Давлат сектори ва хусусий секторнинг роли

12

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 281-сонли «Ўрта мактаблар учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (2019 йил 5 апрел) қарори ХТВ томонидан муқобил дарсликларни жорий этиш ва шу сабабли дарсликлар тизимига рақобат ва танловни киритиш режаси баён этилган. Ушбу тартиб дарсликлар сифатини ошириш мақсадида жорий этилаётганлиги кўрсатилади. Шунингдек, бу янги процедураларни экспериментал синовдан ўтказиш орқали босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги қайд этилади.

Қарорда шунингдек, муқобил дарсликлардан мавжуд дарсликларга қўшимча сифатида ёки уларнинг ўрнига фойдаланиш мумкинлиги таъкидланган. Муқобил дарсликлар бутун ўқув йили давомида синовдан ўтказилиши керак (12-банд). Синовдан кейинги фикр-мулоҳазаларга қўшимча равишда муқобил дарсликлар омма шарҳи учун Интернетга жойлаштирилади.

Бу жараён ғайриоддий. Кўпгина мамлакатларда дарсликларнинг бир нечта муқобил турларига асосланган тизимлари нашриёт компанияларининг кўникмалари ва тажрибасидан баҳраманд бўлмоқдалар ва рақобат туфайли доимий равишда такомиллашмоқдалар. Шунингдек, улар битта дарслик ва дарслик мазмунини ёдлашга асосланган имтиҳонлар тизими ўртасидаги алоқани узишга мўлжалланган (юқоридаги 3-бўлимга қаранг). Муқобил дарсликлар давлат дарсликлари билан рақобатлашадиган тизимлар жуда кам учрайди. Ҳозирги кунда Вьетнам²³ ва Индонезия²⁴ бундай сиёсат билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда ва олдинда биз ушбу мамлакатларнинг бирортасида ҳам бундай сиёсат барқарор бўладими ёки йўқлигини аниқлашимиз керак бўлади.

Тижорат дарсликлари ва давлат дарсликлари ўртасидаги рақобат ғояси шубҳали. Хусусий секторнинг давлат сектори билан рақобатига мисоллар сифатида, шубҳасиз, хусусий ва давлат мактабларини, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги мисолларни келтириш мумкин, аммо бу икки ҳолатда ҳам жамоатчилик иккита альтернатив таклифлар орасида эркин танловга эга. Муқобил дарсликларга келсак, дарсликни танлаш бўйича қарорни давлат ҳокимияти органлари - мактаблар ёки маҳаллий таълим органлари қабул қиладилар. Агар муқобил ва ҳукумат дарсликларининг нархи бир хил бўлганида ҳам, уларнинг шароитлари бари бир тенг бўлмас эди, чунки мактаблар ёки маҳаллий ҳокимиятлар ҳукумат дарслигини танлашга мажбур бўлар эди. Ва агар айтилган вақтда муқобил дарсликнинг нархи давлат дарслигидан юқори бўлса, давлат дарслигининг устунлиги ортади.

281-сонли қарорнинг 16-банди бир оз мавҳум: «Умумтаълим мактабларини муқобил дарсликлар билан таъминлаш ихтиёрий равишда ота-оналар, мактаб педагогик жамоалари ва ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.» Агар ушбу модданинг мақсади аллақачон (ўқув йилидаги бола учун зарур бўлган барча дарсликларни қамраб оладиган) ижара ҳақини тўлаётган ота-оналар маълум бир предмет бўйича муқобил дарслик учун қўшимча харажат қилиши лозим бўлса, демек бу яққол адолатсизликдир, чунки бундай шартлар даромад даражалари юқори бўлган ота-оналар учун устунлик беради.

Бундан ташқари, тасдиқланган муқобил дарсликларни қандай тарқатиш ва сотиш

23 <https://english.vietnamnet.vn/fms/education/219271/vietnam-s-teachers-should-have-a-choice-of-textbooks.html>

24 2013 йилда, муқобил дарсликлар сиёсатининг қониқарсиз амалга оширилишига жавобан, Индонезия ҳукумати янги ўқув дастурини жорий этиш пайтида дарсликларни нашр этишни ўз ихтиёрига қайтариб олди. Индонезияда режалаштирилган Миллий китоб тизими тўғрисидаги қонунга мувофиқ, ноширлар предмет бўйича дарсликларни қайта ишлаб чиқадилар ва улар Таълим вазирлиги томонидан баҳоланади. Бунда ҳар бир предмет бўйича дарсликни танлаш ҳуқуқи эга.

ҳақида ҳам аниқ маълумот йўқ. Барча предметлар ягона тасдиқланган дарсликлардан фойдаланишга одатланган тизимда мактаблар ўз ўқувчилари миллий имтиҳондан муваффақиятли ўтишлари учун муайян предмет ва синфлар учун тасдиқланган барча дарсликлар вариантларини сотиб олишлари кераклиги тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

Шунингдек, ҳар бир фан ва синф учун қанча муқобил дарсликларни тасдиқлаш мумкинлиги, шунингдек, ушбу дарсликларни кетма-кет (масалан, 1 дан 4-синфгача) ёки алоҳида номлар билан яратиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот йўқ.

2019 йил декабр ойида бўлиб ўтган семинарда, шунингдек, «Ўқитувчи» нашриёти билан учрашувда муқобил дарсликлар мавзуси ноширлар учун устувор йўналиш эканлиги маълум бўлди.

Сўнги ўн йилликларда дунёда юқори самарали таълим тизимлари ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар эркин танлаш имконияти мавжуд бўлган вариатив дарсликларга асосланган либерал сиёсат ўтдилар ва бунда тижорий нашриётлар катта роль ўнайдилар. Дунё мамлакатлари ҳозирда дарсликларни танлашда турли даражадаги автономиядан фойдаланмоқдалар. Баъзи Осиё мамлакатларида вариатив дарсликларни Таълим вазирлиги томонидан баҳолаш ва тасдиқлаш сиёсати мавжуд. Бироқ, аксарият Европа мамлакатларида дарсликлар рўйхати олдиндан тасдиқланмаган ва шунинг учун давлат мактаблари дарсликларни хусусий мактаблар сингари танлаши мумкин, аммо давлат маблағлари ҳисобига. Асосий фарқлар - тавсия этилган дарсликлар тизими мавжудми ёки мактаблар китоб танлашда мутлақо эркинликка эга эканлигида. Европанинг аксарият қисми очиқ тизимдан фойдаланади, АҚШнинг баъзи штатлари тавсия этилган дарслик тизимига амал қилса, бошқалари эркин бозор шартлари асосида ишлайди.

Буюртмачи ҳаракатлантирувчи куч бўлган, рақобатга асосланган кўп турдаги дарсликлар бозорининг таъсири дарсликлар таркибини доимий равишда такомиллаштириш нуқтаи назаридан ижобий бўлиши шубҳасиздир. Бундай тизимда муваффақиятли бўлиш учун ноширлар ва муаллифлар доимо интилишлари керак. Шу билан бирга, барча иштирокчилар ўз вазифаларини самарали бажаришлари, ўқувчиларнинг билим олиши ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашида узилишлар юзага келмаслиги учун бундай тизимга ўтишни эҳтиёткорлик билан бошқарилиши керак. Педагоглар жамоасининг кўмагисиз ҳар қандай катта ислоҳот хавф остида бўлади. Ривожланаётган нашриёт сектори ўз вазифасини бажара олиши учун маҳаллий нашриёт салоҳиятини босқичма-босқич ривожлантириш керак. Бу вақтни талаб қилади, буни эса ҳукумат ҳар доим ҳам таъминлай олмайди. Таъкидлаш жоизки, ИХТТнинг ҳозирги вақтда очиқ тизим фаолият кўрсатаётган кўплаб давлатлари яқин вақтгача тавсия этилган дарслик тизимидан фойдаланган²⁵.

Баъзи ҳолларда, мактаблар танлаши мумкин бўлган *чекланган миқдордаги* тасдиқланган дарсликлар вариантлари жорий этилган. Масалан, Корея Республикасида (КР) 1980 йилгача ҳаммаси бўлиб бешта дарсликни тасдиқланишига руҳсат берилган бўлса, 1980 ва 1990 йилларда бу рақам саккизтагача оширилди²⁶. Ҳозирги кунда, тайёргарлик босқичида КР томонидан тасдиқланган дарсликлар сони чекланмаган.

Бошқа томондан, ушбу тенденцияда сўнги пайтларда баъзи ўзгаришлар бўлди. Масалан, Хитой, Венгрия ва Полшада ҳукумат дарсликларни нашр этиш устидан назоратни кучайтирди.

25 Масалан, 1991 йилгача Швецияда тасдиқлаш тизими мавжуд эди. Анна Жонссон Харри, «Швед давлатининг дарсликларини тасдиқлаш 1974-1991» га қаранг https://repository.gei.de/bitstream/handle/11428/25/818102888_2015_A.pdf?sequence=1&isAllowed=y 361-бет.

26 Chaechun Gim, "Корея Республикасида дарсликларни тасдиқлаш тизимининг танқидий шарҳи" https://repository.gei.de/bitstream/handle/11428/25/818102888_2015_A.pdf?sequence=1&isAllowed=y

Бир нечта дарсликларни танлаш тизимларида «фойдаланувчилар» дарсликни танлаш учун ҳақиқий имкониятга эга. Шу билан бирга, фойдаланувчилар мактабларнинг ўзлари ёки маҳаллий маъмурлар бўлиши мумкин. ИХТТ мактабларнинг катта автономиясига, жумладан дарсликларни мустақил танлашга таълимнинг юқори сифатига таъсир қилувчи омил сифатида қарайди (гарчи бу, албатта, бевосита сабаб-оқибат боғлиқлиги мавжуд дегани эмас): « PISA натижалари шуни кўрсатадики, ўқув дастурлари ва синфлар тизимини белгилашда мактабларнинг автономлиги таълим тизимининг умумий кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, ўқувчилар билимлари ва компетенцияларини баҳолаш сиёсати, таклиф қилинадиган курслар, қўлланиладиган дарсликлар ва қўлланмалар бўйича қарорлар қабул қилишда мактабларга кўпроқ ваколат берадиган таълим тизимлари одатда яхшироқ таълим берадиган таълим тизимлари ҳисобланади..»(ИХТТ 2011 й., 42-бет).

Вариатив дарсликларга эга бўлган кўп тизимларда мактаб ўз дарслиklarини ўзи танлайди. Японияда бундан истисно (бошланғич ва ўрта мактабларда) мавжуд бўлиб, у ерда директорлар, етакчи ўқитувчилар, синф ўқитувчилари ва ота-оналардан ташкил топган маҳаллий мактаб кенгаши маҳаллий мактаблар номидан танловни амалга оширади. Яна бир истисно Хитой бўлиб, у ерда қарор вилоят таълим бошқармаси ёки шаҳар ҳукумати таомонидан қабул қилинади. Хитойда дарсликларни танлаш жараёнининг мантиғи меҳнатдан узилмаган ҳолда таълим олиш, дарслик педагогикаси ва баҳолаш тизими ўртасидаги изчилликни таъминлаш мақсади билан боғлиқ. Кореядаги тайёргарлик мактаблари дарсликларни Таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дарсликлар рўйхатидан танлайди.

Вариатив дарсликлар борасида муваффақиятли сиёсатини амалга ошириш унинг мақсад ва вазифларини нафақат бошқарув органлари, балки барча манфаатдор томонлар тушунишини талаб қилади. Баъзи мамлакатлар вариатив дарсликлар сиёсати киритилгандан сўнг чалкашликларга дуч келишди. Масалан, Тайванда коллежларга кириш имтиҳонларининг шартлари турли хил дарсликларнинг материаллари бўйича тенг равишда тузилиши керак, акс ҳолда имтиҳонни объектив ва холис деб бўлмайди. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, амалиёт ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларига яхши таниш бўлганлиги сабабли, нуфузли мактаблар ўқувчилари учун бир вақтнинг ўзида бир нечта дарсликлардан фойдаланган ҳолда ўқишлари тез-тез учраб туради, айниқса инглиз тили ва математика фанларида бўйича бундай амалиёт кўп кўзга ташаланади.

Ота-оналар ҳам дарслик сиёсатидаги ушбу ўзгаришдан манфаатдор бўлиши керак. Дарсликлар бепул бериладими ёки йўқми, ота-оналар ва мактаблар йил ёки цикл охиридаги имтиҳон ўқувчилар дарсликдаги маълумотни қанчалик яхши ёдлаб олганликларини синаб кўришга мўлжалланмаганлиги тўғрисида огоҳлантирилиши керак.

Юқорида айтилганларнинг барчасидан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, вариатив дарсликлар тизимининг танқидчиларининг таъкидлашларича, ислохотларнинг дастлабки босқичида дарсликларнинг талабга жавоб беришини баҳолаш жараёнида паст сифатли дарсликларни чиқариб ташлашда хатолардан холи бўлмаслиги мумкин ёки пировард фойдаланувчилар (мактаблар, маҳаллий таълим органлари) яхши дарслик фойдасига тўғри танлов қила олмайдилар ёки ҳатто ушбу танловни юқори даражага топширишни афзал кўришади. Бироқ, кўплаб мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, агар барча шароитлар назорат қилинса ва танловни амалга оширувчиларга асоссиз таъсир кўрсатилмаса, унда умуман олганда мактаб ва унинг ўқитувчилари сифатли дарсликни танлашда адашмайдилар.

Хулосалар

- Дарслик сиёсатини эркинлаштиришга ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Барча манфаатдор томонлар, шу жумладан мактаблар ва ота-оналар, режа, унинг мақсадлари ва амалга ошириш босқичлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим.





3 БОБ:

СИЁСАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

УЧИНЧИ БОБ: СИЁСАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

13. Дарсликлар бўйича давлат сиёсатининг асосий кўринишлари

13

Куйида дарсликлар борасида давлат сиёсатининг асосий турлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Муфассал маълумот учун куйидаги манбаъга қаранг: Smart&Jagannathan 2018: <https://www.adb.org/sites/default/files/publication/478946/textbook-policies-asia.pdf>

Дарсликлар борасида давлат сиёсатининг энг марказлашган кўринишлари Марказий Осиё, Жанубий Осиё (Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка) ва араб дунёсида қўлланилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)га аъзо мамлакатларнинг аксариятида ёки давлат томонидан мактабларда фойдаланиш учун бир нечта дарслик маъқулланиши мумкин бўлган тизимлар (давлат томонидан танланган дарсликлар рўйхати тасдиқланади) ва ё нашриётчилар дарсликларни ўзларининг тижорий мақсадларига кўра нашр этиб, уларни тўғридан-тўғри мактабларга сотишлари мумкин бўлган очиқ бозор тизимлари мавжуд.

Собиқ Совет Иттифоқининг бир қатор мамлакатлари марказлаштирилган тизимдан фойдаланадилар. Унда дарсликларни нашр этиш уч хил босқичдан иборта бўлади: ёзиш, чоп этишга қадар бўлган тайёргарликлар ва чоп этиш. Тожикистон ва Қирғизистонда дастлабки икки босқич ҳукуматнинг ўзи томонидан амалга оширилади, Ўзбекистонда эса ҳар бир босқич учун тендерлар ўтказилади.

Дарсликларнинг нашр этилиши тўлиқ марказлаштирилиб, ҳукумат томонидан амалга оширувчи ёндошув билан мутлақо мустақил эркин бўлган бозорлар муносабатлари асосидаги ёндошув ўртасида бир нечта бошқа моделлар мавжуд. Мамлакатларни мазкур масала бўйича марказлаштирилган сиёсат ёки либерал сиёсатни қўллашлари бўйича ажратиб, шкалага жойлаш мумкин бўлса-да, айтиш вақтда аралаш моделлардан муваффақиятли равишда фойдаланиб келаётган мамлакатларга мисоллар ҳам мавжуд.

Масалан, Жанубий Кореяда бошланғич мактаблар учун дарсликлар ҳукумат томонидан нашр этилса, мактаб таълимининг кейинги босқичларида давлат томонидан тасдиқланган дарсликлар рўйхатидан танлаш имконияти мавжуд бўлган ёндошув амал қилади.

Дарсликларни мустақил равишда танлаш ҳуқуқи мактаблар автономиясининг (маъмурий ва профессионал) бир қисми бўлиши мумкин, улар танланган дарсликларнинг рўйхатини давлат томонидан тасдиқлаш тизимида ёки очиқ бозор тизимида фаолият юритаётганлигидан қатъи назар. Ушбу моделда мактаб дарсликлар сифатини доимий ошириб бориш учун ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Баъзи мамлакатларда (масалан, Хитой ва Японияда) тасдиқланган рўйхатдан дарсликларни танлашни мактаблар эмас, балки маҳаллий ҳукумат органлари амалга оширадилар.

Дарсликларни танлаш имкониятини берувчи тизим миллий нашриёт саноатининг ривожланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, китоб секторига иқтисодий ва ижтимоий фойда келтириши ва аҳоли билим даражасининг кўтарилишига хисса қўшиши мумкин. Бундай ихтиёрий дарсликлардан фойдаланиш сиёсати дунёдаги энг муваффақиятли таълим тизимларининг аксариятида қўлланилади, ваҳоланки бу мазкур сиёсатнинг қўлланилиши албатта таълим натижаларининг яхшиланишига олиб келади дегани эмас.

Осиё, Европа ва Африкадаги бир қатор давлатлар, шу жумладан, даромадлари юқори бўлган давлатлар, ҳозирда дарсликларнинг бир қисми ёки барчаси бўйича марказлаштириш сиёсатидан воз кечмоқчи. ИХРТга аъзо ҳукуматларнинг жуда оз

қисмида дарсликлар давлат томонидан нашр этади ва марказсизлаштириш жараёни давом этмоқда. Шундай қилиб, ҳозирда Венгрия ва Полша ҳукуматлари ўзларининг баъзи дарсликларини ёки барчасини нашр этишни марказсизлаштирамоқчи²⁷. Либераллаштириш ёки марказлаштиришга сиёсий зарурат, иқтисодий самарадорлик ва ноширларнинг техник имкониятларининг уйғунлиги мантиқий асос бўлиши мумкин.

Баъзан ҳукуматлар бутунлай эркин бозор тизимидан давлат томонидан тасдиқланган дарсликлар рўйхатидан танлаш тизимига қайтишлари мумкин. Масалан, Португалия 2006 йилда ҳукумат мамлакатда ПИСА бўйича паст баллар йиғилганлигига жавобан бунга қадар эркин бўлган тизимга ихтиёрий дарсликлар рўйхати давлат томонидан баҳоланиш ва тасдиқдан ўтиши шарт бўлган тартибни жорий қилди²⁸.

Мактабларга дарсликларни мустақил танлаш учун ҳақиқий имконият бермайдиган тўлиқ марказлашган тизимдан, танланган дарсликларнинг тасдиқланган рўйхатига ўтишда, ноширлар одатда ўз бизнеслари учун янги имкониятларга жавобан фаол ривожлана бошлайдилар. Хусусий ўқув муассасалари сони камлиги ва чакана китоб савдоси етарлича ривожланмаганлиги сабабли таълим соҳасида ноширлик фаолияти кам ривожланган мамлакатларда таълим йўналишидаги нашриётлар хусусий ўқув муассасалари ёки катта молиявий ресурсларга эга бўлган бошқа ташкилотлар, масалан, йирик босмахоналар томонидан ташкил этилиши мумкин. Собиқ Совет Иттифоқининг бир қатор мамлакатлари - Грузия ва Арманистон, шунингдек, ҳозирги вақтда Европа Иттифоқининг бир қисми бўлган давлатлар (Эстония, Латвия ва Литва) танланган дарсликларга асосланган сиёсатга муваффақиятли ўтишди ва бу маориф ноширлиги секторлари ва нашриётларнинг жадал ривожланишига олиб келди. Улар эса халқаро уюшмалар ва китоб кўргазмаларида иштирок этадиган даражаларга эришдилар. Бундай мамлакатларга мисол тариқасида Эстонияни келтириш мумкин. Ҳозирда ушбу мамлакат ПИСА баҳолаши бўйича энг муваффақиятли мамлакатлардан биридир.

Бироқ, давлат томонидан тасдиқланган битта дарслик билан марказлаштирилган тизимдан давлат томонидан тасдиқланувчи ихтиёрий дарсликлар тизимига ўтишни истаган ҳукуматларга буни амалга ошириш қийин кечиши мумкин. Бу ҳукуматдан янада узоқ муддатли мақсадлар томон ҳаракатни давом эттирар экан, айна вақтда сиёсий иродани сақлаб қолиш ва юзага келадиган муаммоларга мослашишни талаб қилади. Ривожланаётган ноширлик секторига ўз ролини ўйнашига имконият бериш учун маҳаллий ноширлар салоҳиятини ривожлантириш керак. Бунинг ҳаммаси вақт талаб этади.

Умуман олганда, охириги 30-40 йил ичида, дарсликлар сиёсатининг глобал тенденцияси дарсликлар давлат томонидан тасдиқланувчи тизимни рад этиб, янада эркинлаштириш томон ривожланиб бормоқда. Хусусан, ушбу даврда ИХРТ мамлакатларида давлат томонидан маъқулланган ихтиёрий дарсликлар рўйхатидан эркин бозор сиёсатига асосланган тизимга ўтиш тенденцияси кузатилди. Масалан, Финляндия тасдиқлаш тизимидан очиқ тизимга 1980-йилларда ўтди, Сингапур ва Швеция эса – 1990-йилларда²⁹.

27 <https://www.dw.com/en/turkey-hungary-and-poland-the-politics-of-school-textbooks/a-41032191>

28 Joana de Sousa and Maria de Lourdes Dionísio. (2009). 'Between the market and the school: Textbook approval, selection and evaluation in Portugal'. <http://repositorium.sdum.uminho.pt/bitstream/1822/12663/1/Sousa%20%26%20Dioni%CC%81sio%2c%202010.pdf>

29 https://iartemblog.files.wordpress.com/2012/03/8th_iarterm_2005-conference.pdf.p.361

Давлат томонидан марказлаштирилган нашр	Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон, Вьетнам (ваҳоланки, муқобил дарсликлар сиёсатига ўтиш истаги мавжудлиги эълон қилинган эди), Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Венгрия
Аралаш тизим	Жанубий Корея, Польша
Танланган дарсликлар рўйхатини давлат томонидан тасдиқлаш тизими	АҚШ (баъзи штатлар), Германия (аксарият ҳудудлар ³⁰), Австрия, Чехия, Чили, Япония, Шанхай, Индонезия, Гонконг, Сингапур, Туркия, Грузия
Эркин бозор	Буюк Британия, АҚШ (баъзи штатлар), Австралия, Франция, Канада, Голландия, Швеция, Дания, Финляндия, Италия, Испания

Жадвал 1: Тизимлар турлари ва уларни қўлловчи мамлакатларга мисоллар

14. Дарсликлар хариди ҳаражатларини камайтириш

Мактаб дарсликлари хариди бўйича сиёсат учун масъул бўлган давлат органлари табиийки молиявий ҳаражатлар ҳақида қайғурадилар.

Дарсликлар билан таъминлашнинг умумий ҳаражатларини камайтиришнинг бир неча усули мавжуд:

- Дарсликка киритилган материаллар миқдори ва дарслик ҳажмини камайтириш;
- Дарсликнинг хизмати муддатини узайтириш;
- Дарсликни ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш (ишлатилган материаллар нархи ва бошқалар).

Юқоридаги тавсияларда Ўзбекистонга ижарага беришнинг амалдаги тизимини сақлаб қолиш таклиф этилмоқда, зеро у юқорида санаб ўтилган иккинчи ва учинчи бандларнинг эҳтиёжларига жавоб беради, яъни: дарсликларнинг хизмат муддати анча узоққа ўхшамоқда ва айни чоғда, мактабларда дарсликларнинг танқислиги даражаси ҳам паст. Ҳар йили ХТВ дарсликлар билан таъминлашнинг умумий ҳаражатларини ҳисоблаб чиқади. Мавжуд тизимга киритилиши мумкин бўлган ягона ўзгартириш – бу ўқувчиларнинг бир мартагина қўлланилувчи ишчи дафтарлари сонини қисқартиришдир. Буни миллий таълим дастурида олиб борилаётган ислохотлар нуқтаи назаридан кўриш мумкин.

Дарсликларни ижарага бериш тизими давлат эҳтиёжларини қондирадиган ва дарсликларни ижарага олиш учун тўлов миқдорини оширишнинг йиллик жараёни уларни ишлаб чиқариш ҳаражатларини қоплашга йўналтирилган самарали равишда тар-

30 <https://journals.sagepub.com/doi/full/10.1177/2158244014552430>

тибга солинаётган экан, Ўзбекистонда кўп йиллар давомида муваффақиятли ишла-тиб келинаётган бундай тизим сақланиб қолиши ва у шубҳасиз афзалликларга эга бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда ИХХТ мамлакатларининг аксарияти ўқувчиларга дарсликларни бе-пул тақдим этмоқда. Ирландияда умумий ўрта таълим мактабларидаги барча ўқув-чилар бепул дарсликлар билан таъминланадилар, Италияда эса ўрта мактаб ўқув-чилари дарсликларни ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олишлари шарт³¹.

Сўнгги йилларда ота-оналарга дарсликларни бепул беришни бошлаган баъзи дав-латлар, масалан, Марказий ва Шарқий Европадаги бир қатор мамлакатлар, умумий харажатларнинг ортиши билан боғлиқ бўлган муаммони хал этиш учун турли чора-ларни кўришмоқда. 2013 йилда Венгрия мактабларни бепул ўқув материаллари би-лан таъминлай бошлаганида, бу жараён Таълим вазирлиги томонидан дарсликлар-нинг нашр этилиши устидан қатъий назорат тадбиқ этиш билан биргаликда олиб борилган³². Полша ҳам Венгрия сингари йўлни босиб ўтди, мактаб ўқувчилари давлат бюджети ҳисобидан бепул дарсликлар билан таъминланди³³. Шундай қилиб, бу ўқув материалларини етказиб бериш устидан монополия ўрнатилишига қайтиш бўлди³⁴.

Гарчи аксарият ИХХТ мамлакатларидаги дарсликларнинг нархлари ноширлар то-монидан белгиланса ҳам, рақамлар юқори даромадли баъзи мамлакатларда ҳуку-матлар хусусий сектор нашриётлари томонидан тақдим этилаётган дарсликларнинг нархларини назорат қилиш тизимидан фойдаланишларини кўрсатмоқда:

- Ушбу тизим Японияда самарали равишда йўлга қўйилган бўлиб, мамлакат ҳукумати нархлар диапазони белгилаб беради. Масалан, бошланғич мак-таб учун япон тили ва табиий фанларга оид дарсликларнинг нархи ҳозирда тааллуқли равишда 633 дан 799 иена ва 608 дан 927 иенагача бўлган ора-лиқда жойлашган. Ўрта мактаб кўйи синфлари учун дарсликлар эса, 766 дан 794 иенгача туради.
- Австрия ҳукумати ҳам мавжуд бўлган Schulbuchaktion тизими орқали нархларни тартибга солиш имкониятига эга. Таҳлилларга кўра тизимнинг самарадорлиги кучли рақобат, аниқ кўрсатмалар ва тасдиқлаш жараёнида-ги ошкоралик ҳамда унинг мутаносиб равишда молиялаштирилиши орқали таъминланади.

Бошқа бир қатор мамлакатлар ҳукуматлари нархларни тушириш воситаси сифати-да тасдиқланган дарсликлар номлари сонини чеклаш услубидан фойдаланганлар. Бундай мамлакатларга Кения ва Грузияни мисол қилиш мумкин. Ушбу услубда но-ширлар дарсликни тасдиқлаш учун топшириш жараёнида дарслик нархи бўйича ўз таклифларини ҳам киритадилар. Бундай ҳолда, нарх элементи учун бал техник эле-мент (яъни таркиб) учун баллга қўшилади.

Ўқув қўлланмалари бепул тақдим этиладиган тизимда, бу одатда мактабларга ўқувчилар жон бошига субсидиялар тақдим этиш орқали амалга оширилади. Маз-кур субсидиялар ўқувчиларга дарсликларни сотиб олишлари учун тақдим этилади. Албатта, мактаб бюджетидаги маблағлар фақат дарсликларни эмас, балки бошқа

31 Бошқа мамлакатлар бўйича янада тўлиқ маълумотларни қуйидаги саҳифада топиш мумкин: <https://edu-data.edumeres.net/en/textbook-systems/countryselection/>

32 <https://www.internationalpublishers.org/news/866-educational-publishing-in-hungary-an-interview-with-dr-ildiko-toeroek>

33 <https://www.premier.gov.pl/en/news/news/beginning-of-a-great-change-at-schools-free-textbook-and-subsidy-system.html>

34 Шунингдек, қаранг: <https://www.dw.com/en/turkey-hungary-and-poland-the-politics-of-school-textbooks/a-41032191>

ресурсларни сотиб олиш учун ҳам ишлатилиши мумкин (масалан, кутубхона фондини тўлдириш учун керакли китобларни сотиб олиш учун). Вақти-вақти билан дарсликлар билан бепул таъминлаш назарда тутилган баъзи тизимларда ҳукумат мактабларнинг буюртмасига асосан дарсликларни ноширлардан тўғридан-тўғри сотиб олиши ва ўзи тарқатиши мумкин (Грузияда дарсликларни нашр этиш ва тарқатиш ҳукумат томонидан амалга оширилади).

15. Ўзбекистон учун тавсиялар: дарсликларга оид сиёсатнинг тажриба-синови

15

Халқ таълими вазирлиги (ХТВ) «муқобил дарсликлар» ни яратиш учун янги сиёсий йўналишни эълон қилди. Бироқ, ушбу сиёсий баёнотни ҳақиқатга айлантириш стратегияси равшан эмас.

Ўзбекистон учун батафсил стратегияни ишонч билан тавсия этиш учун нашриёт ва маориф ноширлиги соҳалари бўйича кўпроқ маълумотлар талаб этилади. Шунга қарамадан, ҳозирда қуйидаги умумий тавсияларни бериш мумкин.

Дарсликлар бўйича янги сиёсат биринчи навбатда иккита аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак:

- сифатли дарсликларни нашр этиш учун муаллифлар ва ноширларнинг салоҳиятларини ошириш;
- мактаблар ёки маҳаллий таълим маъмурлари дарсликларни танлашда самарали рол ўйнаш имкониятига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш.

Иккинчи муаммони ечиш (мактаблар ёки маҳаллий таълим маъмурлари ўзларининг янги ролларини тушунишлари ва янги сиёсатни амалга оширишни қўллаб-қувватлашларини таъминлаш)га келадиган бўлсак, агар ҳукумат амалдаги «муқобил дарсликлар» бўйича сиёсий баёнотини давлат томонидан тасдиқланган рўйхатдаги барча дарсликлар мактаб томонидан танланиши учун тенг имкониятга эга бўлган «бир нечта дарсликлар» сиёсатига мослаштирсак, бу жараёни соддалаштириши ва самаралироқ бўлишини таъминлаши мумкин. Ҳозирдаги – муқобил дарсликлар билан бир вақтда ҳукумат томонидан нашр этилаётган дарсликлар мавжудлиги, айниқса, кўп йиллар давомида ягона «тўғри» давлат дарслиги ғояси ҳукмрон бўлган шароитда, барча муқобил дарсликларнинг таназзулга юз тутишига олиб келиши эҳтимоли юқори.

ХТВ маълум бир фанларни ўқитишда марказлаштирилган тасдиқланган битта дарслик ҳанузгача ишлатилувчи, бошқа фанлар ёки синфларда дарс беришда эса, дарсликлар рўйхатдан танланиши мумкин бўлган аралаш тизимнинг имкониятларини кўриб чиқиши мумкин. Ушбу тизим Жанубий Кореяда жуда муваффақиятли ишлайди, у ерда бошланғич мактаб учун дарсликлар ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган бўлса, ўрта мактаблар учун дарсликлар эса, тасдиқланган рўйхатдан танланади (батафсил маълумот учун қуйидаги саҳифага қаранг: https://elaw.klri.re.kr/kor_service/lawView.do?hseq=37171&lang=ENG).

Ўзбекистонда янги Миллий Таълим Дастури лойиҳасини синовдан ўтказиш ушбу иккита муаммони ҳал қилиш учун қўшимча имкониятлар тақдим этади. Ушбу тажриба-синов нафақат янги ўқув дастурини қандай амалга оширишни, балки давлат муаллифлар ва ноширлар билан қандай ишлаши ва уларнинг салоҳиятини ошириши мумкинлиги ҳақида ҳам билиб олиш учун яхши имкониятдир.

ХТВ 2021/2022 ўқув йилида биринчи ва иккинчи синфлар учун янги Миллий Таълим дастурини тажриба-синовдан ўтказишни режалаштирмоқда. Келгуси 2022/2023 ўқув йилида мамлакатнинг барча мактабларида биринчи ва иккинчи синфлар учун янги ўқув дастури жорий этилади. Ҳар йили кейинги икки синф учун янги дастурни тажриба-синовдан ўтказиш ва жорий этиш режалаштирилган.

Ушбу қарорга мувофиқ, нафақат ўқув дастурини, балки ушбу дастур учун янги дарсликларни ҳам синаб кўриш керак.

Миллий дастур лойиҳасини тажриба-синовдан ўтказиш кенг кўламли ишдир. Бу мактабларнинг тест ва назорат гуруҳлари танланувчи ва натижа таққосланувчи тадқиқот тури эмас. Бундай тадқиқот иш бермаган услублар тўғрисида маълумотга эга бўлишга олиб келиши мумкин, аммо у пилот лойиҳанинг сўнгида ўқув дастурини қандай қилиб бутун мамлакат миқёсига тадбиқ этишни қандай амалга ошириш кераклигини кўрсатиб бермайди.

Амалиётни умумий иштирокка асосланган тарзда тадқиқ этишда, тажриба-синови олиб борилаётган дастурни дастурни амалга ошириш учун масъул бўлган амалиётчилар одатдаги иш жараёнида янги дастур туфайли юзага келган аниқ муаммолар ва қийинчиликларни ҳал қилишади. Уқитувчилар, мактаб директорлари, халқ таълими методистлари ва бошқа манфаатдор томонлар шунчаки тадқиқот объекти бўлибгина қолмай, *лойиҳани бошқаришда ва синалаётган дастурни ўзгартиришда* ёрдам беришлари мумкин.

Шу билан бирга, пилот лойиҳанинг ХТВ ва РТМ дан бўлган раҳбарлари амалиётчилардан ушбу маълумотларни тўплашлари ва тажриба ўтказилаётган барча мактабларда дастурни амалга оширишга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни мувофиқлаштиришлари мумкин.

Шу муносабат билан пилот лойиҳада айнан нима синовдан ўтказилишини аниқлаш керак. Бундай рўйхатга дарсликлар ҳам киритилиши керак. Биринчи босқичда пилот лойиҳа 1-2-синфларга қаратилганлиги сабабли, ўқиш материаллари қандай рол ўйнашини аниқлаш жуда муҳимдир.

Муаллифлар ва ноширлар (айниқса муҳаррирлар) янги турдаги дарсликлар ва бошқа ўқув материалларини ишлаб чиқиш бўйича тайёргарликдан ўтишлари керак. Тренингдан сўнг ноширлар орасида танлов ўтказилиши мумкин ва унда ноширлар пилот лойиҳа учун материаллар ишлаб чиқиш бўйича ўз таклифлар тақдим этадилар. Танлов 3-4 та алоҳида лотларга бўлиниши мумкин: ҳар бир предмет бўйича битта лот қабилида. Нашриётларнинг имкониятларини ўрганиш мақсадида пилот лойиҳадан фойдаланиш учун танлов ҳар бир лот бошқа нашриётга бериладиган тарзда ўтказилиши мумкин. Пилот лойиҳада қатнашадиган мактаб ўқитувчилари дарслик ва ўқув материалларини ёзувчи гуруҳларга киритилиши керак.

Ноширлар ўқув йилининг биринчи ярми учун материаллар ишлаб чиққан ҳолда, биринчи ярим йилликда мактаблар тажрибасидан ўрганишади, чунки улар иккинчи ярим йиллик учун материаллар устида иш олиб борадилар.

Дарсликларни баҳолашнинг дастлабки мезонлари муаллифлар ва ноширларни ўқитишдан олдин ишлаб чиқилиши керак. Мезонлар пилот лойиҳанинг биринчи қисмида, тажриба-синовнинг натижалари асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Кейин мезонлар мактабларда фойдаланиш учун дарсликларни тайёрлаш ва тарқатиш бўйича танлов эълон қилинишидан олдин такомиллаштирилиб, охирига етказилади.

Биринчи ярим йиллик охирига келиб, ХТВ, агар буни мақсадга мувофиқ деб топса, мамлакатнинг барча мактабларида биринчи ва иккинчи синфлар учун дарсликларни чоп этиш ва ишлатиш бўйича таклифларни қабул қилиш учун танлов эълон қилиши мумкин. Ушбу танлов ноширлар қўлёзмаларни тайёрлаш, шунингдек дарсликларни

нашр этиш, босиб чиқариш ва етказиб бериш юзасидан тўлиқ жавобгар бўлишига асосланиши мумкин (керак).

Пилот лойиҳаси давомида ХТВ таълим нашриётлари сектори ихтиёрий дарсликлардан фойдаланиш сиёсатини қай даражада қўллаб-қувватлаши мумкинлигини билиб олади.

16. Дарсликларни баҳолаш мезонлари – сифатни таъминлаш чораси

16

Дарсликларни баҳолаш ва тасдиқлаш тизимига эга бўлган барча мамлакатлар ўқув дастурларининг дадил ғояларини ушбу концепцияни дарслик муаллифлари ва нашриётчиларини чекламаган ҳолда акс эттирадиган аниқ мезонларга айлантиришда қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Самарали дарслик қандай бўлиши лозимлигини тавсифлаб берувчи ишончли манбаъ йўқ. Дарсликларни баҳолаш миллий мезонлари тизимлари мамлакатнинг урф-одатлари ва шароитларини, шунингдек, ўқитиш ва ўқишга оид қарашларини акс эттиради. Шу билан бирга, ишончли баҳолаш тизимини (яъни ўлчовлар) ишлаб чиқишга уриниш тенденцияси ортиб бормоқда. Бу ҳаракатларнинг аксарияти АҚШда бўлиб, у ерда кўплаб штатлар дарсликларни баҳолаш ва тасдиқлаш тизимига эга.

Кўшма Штатлардаги кўпгина тадқиқотлар математика ва табиий фанга қаратилган. Хусусан, математика дарсликларда кўплаб тадқиқотлар мавзуси бўлиб, қисман бунинг сабаби таълим тизимини бошқарувчи барча одамлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги (!) ва бутун дунё ўқитувчилари математика дарсликларининг мазмуни ва методологиясига бошқа фанларга қараганда кўпроқ риоя қилишларида.

Илм-фанни ривожлантириш бўйича Америка уюшмаси (AAAS) бир нечта тадқиқотларни, шу жумладан «Лойиҳа 2061» деб номланган тадқиқотни нашр этди³⁵. 1998 йилда предметлар бўйича мезонлардан фойдаланган ҳолда «бутунжаҳон математика ва табиий фанлар бўйича ўрта мактаб дарсликларинининг илк баҳоланиши» бошланди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, математика предмети бўйича «энг яхши деб топилган дарсликларда ҳам илғор математика, ҳам унинг мукамал услубий тақдими мавжуд» ва «аксарият дарсликлар математикага қизиқишни ривожлантириш ва ўқувчиларга математик ғояларни ишлаб чиқиш ва ишлатишда ёрдам бериш каби муҳим йўналишларда ўзларини яхши намоёйиш этган» бўлсаларда, шу билан бирга, бир қатор унчалик умудбахш бўлмаган натижалар ҳам қайд этилди (AAAS, 1999):

- *Рейтингнинг энг юқори қисмидан жой олган дарсликлар орасида тижорат секторининг энг машҳур дарсликлари йўқ.*
- *Аксарият дарсликларда узвийлик йўқ ва кўпинча уларда математиканинг концептуал йўналишлари яхши ёритилмаган.*
- *Аксарият дарсликлар ўқувчилар ва ўқитувчиларга тақдим этадиган услубий ёрдам анча заиф.*
- *6-8-синфларнинг кўплаб дарсликларида математик ғоялар етарлича такомиллаштирилмаган ва бу Математика ва табиий фанлар бўйича учинчи халқаро тадқиқот натижаларини тасдиқлайди.*

35 <https://www.aaas.org/programs/project-2061>

Ушбу хулосаларнинг биринчиси, дарсликларни тасдиқлашда, уларни баҳоловчи ўқитувчилар ва мутахассисларга таянадиган таълим менежерлари учун айниқса ташвишлидир.

Табиий фанлар бўйича дарсликларга келсак, «Лойиҳа 2061» лойиҳаси ўрта мактаблар учун тасдиқланган биология дарсликларини ўрганиш жараёнида «техник атамаларнинг ҳаддан зиёд кўплиги, асосий фикрларни ўқувчилар тушунадиган ягона мантиқий матнга бирлаштирадиган узвий баён этиш йўқлиги, ва ушбу ғояларни ўқитиш учун услубий ёрдамнинг мавжуд эмаслиги муаллифлар, ноширлар ва ўқитувчиларнинг яхши ниятларининг рўёбга чиқишига йўла бермаётганлигини аниқлади. Аксарият дарсликлар, охир-оқибатда хужайрани замонавий молекуляр биология кашф этган фаол ва динамик мавжудот сифатида эмас, балки статик «қисмлар халтаси» сифатида тақдим этиш орқали эскирган парадигмани тарғиб қилишга ёрдам беради³⁶».

АҚШда 2014 йилда ташкил этилган ЭдРепортс³⁷ ташкилоти яқинда АҚШдаги Математика ўқитувчилари миллий кенгаши томонидан жиддий танқидга учради. ЭдРепортс дарсликларни ЭдРепортс методологияси ва воситаларидан фойдаланишга ўқитилган (асосан) амалиётчи ўқитувчилар, олимлар, мактаб ва туман маъмурлари томонидан берилган баҳоларни умумлаштириш орқали баҳолайди³⁸. ЭдРепортс методологияси ва хулосаларида жиддий камчиликлар мавжудлиги қайд этилган³⁹.

Мериленд университети ва Гарвард университети (Blazareta, 2019) томонидан математика дарсликларининг самарадорлигини ўрганиш тадқиқоти хулосаси қуйидагича бўлди: «Бизнинг хулосаларимиз ўқув дастурларининг мазмунини ислоҳ қилишда тез ва осон натижалар мавжуд деган тахминни шубҳа остига қўйса ҳам, ўқув дастурлари таркиби ислохотлари ва ўқитиш методикасининг ислохотларини муқобил нарсалар сифатида тушуниш янада катта хатодир. Иккаласини ҳам ислоҳ қилиш керак.» Ҳар қандай таълим ислохотининг ажралмас қисми сифатида дарсликларни ислоҳ қилиш ғояси ушбу келтирилган фикрни тўлдириши мумкин.

Дилан Уилям (2011, 13-бет) каби тадқиқотчилар фикрига кўра: «Таълим соҳасидаги ислохотлар ўқув методикаси ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзгартиргандагина, у ўқув натижаларини яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатади» (муаллиф томонидан ажратилган). Самарали дарсликнинг муҳим хусусияти бу унинг синфда бўлаётган нарсаларга қандай таъсир қилишида, яъни дарслик педагогика ва ўқитиш методикаси нуқтаи назаридан қандай мавқеъга эгалигида.

Бунинг учун дарслик муаллифларидан инновацион ижодий ёндашув талаб этилади, бу дарсликларни баҳолашда тегишли мезонлар билан рағбатлантирилади. Масалан, Жанубий Кореядаги дарсликларни баҳолаш мезонлари қуйидаги сарлавҳага эга «Ўзига хослиги: ушбу мезон мавжуд ёки бошқа дарсликлардан фарқ қилувчи ўзига хос дарсликни танлашни таъминлаш учун махсус ишлаб чиқилган».

36 <http://www.project2061.org/publications/articles/articles/cellbioed.htm>

37 <https://www.edreports.org/>

Шунингдек, қаранг: <https://www.the74million.org/article/textbook-adoption-was-once-about-going-to-the-right-dinner-with-publishers-now-edreports-is-disrupting-the-8-billion-industry-by-putting-teachers-in-charge/>

38 қаранг: <https://www.edweek.org/ew/articles/2014/11/05/11edreports.h34.html>

39 <https://www.nctm.org/News-and-Calendar/News/NCTM-News-Releases/NCTM-Calls-for-Changes-to-EdReports--Reviews-of-Common-Core-Instructional-Materials/>

Шунингдек, қаранг: <https://www.nctm.org/News-and-Calendar/News/Other-News/Concerns-Regarding-the-Use-of-EdReports-Mathematics-Materials-Reviews/>

17. Дарсликлар сифатини баҳолаш мезонларин ишлаб чиқиш

17

Дарсликларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш миллий контекст учун мақбул бўлган мезонларни яратиш учун имкониятдир. Дарсликлар сифатини оширишга қаратилган жараён маъмурлари яхши дарсликларнинг хусусиятлари ва дарсликлар ўқув дастурларининг мақсадлари ва тамойилларини қандай акс эттириши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўриш ва буни муҳокама қилиш учун вақт ажратишлари керак. Буни амалга оширгандан сўнг, улар муҳокамалари натижаларини акс эттирувчи баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга киришишлари мумкин. Бу бошқа давлатлар томонидан ишлаб чиқилган мезонларни кўчириб олишдан кўра яхшироқ ва самаралироқ бўлади.

Қарор қабул қилувчи орган ва сифатни таъминлаш агентлиги ўртасидаги муносабатлар дарсликни баҳолаш ва тасдиқлаш жараёнининг шаффофлиги ва холислигини таъминлашнинг муҳим қисмидир. Таққослаш учун, Жанубий Кореяда дарсликлар сифатини таъминлаш жараёнида Таълим вазирлиги (ТВ) ва Корея ўқув дастурлари ва баҳолаш институтининг (KICE) вазифалари қуйидагилардан иборат:

TM

1. Дарслик яратишнинг бош режасини тайёрлаш.
2. Қайси дарсликлар чоп этилишини ёки ҳукумат томонидан тасдиқланишини аниқлаш

KICE

1. Танлов жараёнининг аниқлаш.
2. Танлов стандартлари ва мезонларини аниқлаш.
3. Саралаш жараёни бошланганлиги ҳақида эълон бериш.
4. Баҳолаш учун тўловларни аниқлаш, эълон қилиш ва олиш.
5. Дарсликларни тасдиқлаш учун комиссия таркибини аниқлаш.
6. Котиб ва саралаш бўйича масъулларни тайинлаш.
7. Тасдиқлаш ва таклифлар / мулоҳазалар учун аризаларни кўриб чиқиш.
8. Дарсликларнинг танлов талабларига мувофиқлигини аниқлаш.
9. Танланган дарсликлар рўйхатини эълон қилиш.
10. Нашриётларга талабга жавоб бермаганликларини тегишли тушунтиришларни тақдим этган ҳолда хабардор қилиш.

Дарсликларнинг сифати билан муайян академик фанлар учун маълум мезонларни баҳолашга киритилиши ўртасида боғлиқлик йўқ. Кўпгина муваффақиятли таълим тизимлари (масалан, Гонконг ва Жанубий Кореяда) баҳолаш жараёнига муайян фанларга хос мезонлар киритилмайди, Япония каби бошқа мамлакатларда эса,

умумий ва предметга йўналтирилган мезонлар комбинациясидан фойдаланадилар. Муаллифнинг фикрига кўра, предметлар бўйича мезонлар киритилиши керак ёки ҳеч бўлмаганда баҳоловчилар умумий мезонларнинг предметга тааллуқли талқини қўлланилиши керак.

Дарсликларни баҳолаш мезонлари сонини аниқлашнинг ўзи муаммо ҳисобланади. AAAS тадқиқоти дарсликларни сифатли баҳолаш учун «материал сифати ўқитишнинг бир нечта, жиддий таҳлил асосида танлаб олинган мақсадларига мувофиқлигини чуқур текшириш ўқитишнинг кўп сонли мақсадларига нисбатан юзаки таққослашдан кўра самаралироқдир» деган фикрга асосланди (AAAS, 1999).

Бу ерда келтирилган баҳолаш мезонларининг намуналари фақат миллий тизим ичидаги мезонлар доирасини, шунингдек тизимлар ўртасидаги тафовутларни кўрсатишга мўлжалланган.

1 А Иловада Жанубий Кореянинг КИСЕ томонидан ишлаб чиқилган мезонлари тақдим этилган⁴⁰.

1 Б Иловада Гонконг мезонлари келтирилган.

1С Иловада Қўшма Штатларда танланган дарсликларни тасдиқлаш тизимидан фойдаланиш ёндошуви қўлланилувчи штатдаги (Виржиния штати) баҳолаш мезонларига мисол келтирилган.

Ҳар қандай баҳолаш жараёнида асосий устуворлик дарслик мазмунини амалда мавжуд бўлган ўқиш вақти билан таққослаш орқали ўқитувчи ва ўқувчи юқини текширишдан иборат бўлиши керак. Дунё бўйлаб кўплаб дарсликларда ўқитувчиларга ҳаддан зиёд кўп маълумот берилади; уни ўрганиш учун янада кўпроқ маълумотларни эслаб қолиш лозим бўлади. Таъкидлаш жоизки, келтирилган мисолларнинг ҳеч бирида бу акс этмайди. Бундан ташқари, дарсликларда ишлатиладиган тил тегишли даражага эга бўлиши керак. Жуда мураккаб тил ҳам ўрганиш вақтини ортттиради ва тушунишни қийинлаштиради ва натижада ўқувчи тушунмай ёдлаб олишга ҳаракат қилади. Гонконг дарсликларини баҳолаш мезонларида бу ҳолат Корея мезонларига қараганда яхшироқ инobatга олинган.

Амалга оширилишни осонлаштириш учун янги баҳолаш тизимидаги асосий доменлар сонини чеклаш тавсия этилади – агар уларга баҳолаш жараёнида баҳоловчиларга тушунтириш учун тегишли саволлар ва мисоллар тўплами бириктирилган бўлса.

⁴⁰ Жанубий Кореяда дарсликлар (а) Таълим вазирлиги ёки Таълим вазирлиги томонидан тайинланган агентлик томонидан ишлаб чиқилган бўлиши мумкин (уларнинг аксарияти университетлар, аммо илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа давлат идоралари ҳам бўлиши мумкин); аксарият бошланғич дарсликларга тегишли: улар (б) Таълим вазирлиги томонидан рухсат берилган компиляция қилинган дарсликлар сифатида танилган. Авторизация қилиш учун тақдим этилган дарсликлар аввал бир қатор техник мезонларга қараб баҳоланмасдан олдин чегара (ўтиш / этишмаслик) мезонлари бўйича баҳоланади.





ЯКУНЛОВЧИ ИЗОҲ

ЯКУНЛОВЧИ ИЗОҲ

Янги Миллий ўқув дастурининг нашр этилиши дарсликлар сиёсатини қайта кўриб чиқиш учун яхши имкониятдир, айниқса дарсликлар сиёсатидаги ўзгаришлар янги Миллий ўқув дастуридаги тамойилларга асосланиб амалга оширилган бўлса. Янги ўқув дастури ва янги дарслик сиёсати ёки стратегиясининг уйғунлиги таълимдаги кейинги ўзгаришларга, ўқитувчиларнинг касбий ривожланишига ва ўқувчиларнинг билим ва компетенцияларини баҳолашга кучли туртки бўлиши мумкин. Бироқ, бу имконият етарлича ресурслар ва талаб қилинадиган вақт билан қўллаб-қувватланиши керак ва бунинг учун асосий шахслар фаолиятини мувофиқлаштириш лозим. Компетенциявий ёндошувга асосланган ўқув дастури нафақат ўқувчиларнинг, балки ўқитувчиларнинг компетенциялари борасидаги янги қарашларга асосланиши керак.

Аксарият мамлакатларда дарсликларнинг такомиллаштирилиши кўпинча қуйидаги уч муассасанинг биттаси ёки бир нечтаси томонидан амалга оширилади: Таълим вазирлиги, университетлар ёки таълим муассасалари қошидаги нашриётлар. Булар потенциал равишда илғор тажриба марказларидир.

Компетенциявий ёндошувга асосланган дарсликларни ҳаттоки хали ҳам марказлашган сиёсат доирасида ҳам ишлаб чиқиш мумкин, аммо бундай мисоллар кам учрайди. Вариатив дарсликлар борасидаги сиёсат, шунингдек, дарсликлар ва миллий имтиҳонлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқани узишга ёрдам беради ва шунинг учун ўқиш пайтида механик равишда ёдлаб олишга боғлиқликни камайтиради.

Бошқа томондан, ҳар қандай эркинлаштирилган дарсликлар сиёсатига ўтиш босқичма-босқич бўлиши керак ва нашриётларга зарур салоҳиятларни ривожлантириш имконини тақдим этиш билан чекланиб қолмасдан, балки барча манфаатдор томонлар янги сиёсатга ўтиш зарурлигини тушунишларига имкон яратиш керак. Бундай ҳаракат ваколатларни ҳақиқатан ҳам маҳаллий таълим ва мактаб даражаларига қадар марказсизлаштириши ва марказсизлаштирилган даражага зарур ёрдамни тақдим этиши лозим.

Энг илғор халқаро тажрибага асосланган ва компетенциявий ёндошувга асосланган ўқув дастурини акс эттирувчи янги дарсликларни қўллаб-қувватлаш учун ҳукумат ва ноширлар томонидан ёки ноширларнинг ўзлари томонидан тузилиши мумкин бўлган мутахассислар гуруҳларини шакллантириш керак. Иштирокчиларнинг ҳар бир гуруҳи ваколатларга асосланган ёндашувнинг талабларини қандай қилиб акс эттириши кераклигини, ҳам умумий, ҳам предмет нуқтаи назаридан ўрганишлари керак. Инновацияларни қўллаб-қувватлаш керак.

Ҳозирги, дарсликларни етказиб бериш бўйича уч босқичли тендер услуги инновацияларга йўл очиб бермайди. Шунингдек бу, компетенцияларга асосланган ўқитиш учун педагогик ёндашувларни янгилаш зарурлигини таъкидлашнинг ўрнига бюрократик тадбирга айланиб қолиши эҳтимоли мавжуд.

Дарсликларнинг мазмуни ва услубий базасига қўйиладиган талаблар дарсликнинг ўқувчи йўлидаги тўсиқ эмас, уни билимларга етакловчи восита бўлиш имкониятларини ҳисобга олсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда билим олишнинг ҳиссий / аффектив ва ижтимоий томонларининг ролига эътибор қаратилиши лозим. Барча ҳолатларда, дарслик таркибини баҳолаш мезонлари баҳоловчилар учун керакли воситалар билан тўлдирилиши лозим. Бундан кўзланган мақсад – амалиётчи ўқитувчиларга ўз нуқтаи назарларини ифода этишлари учун етарли имкониятни бериш, аммо, айтиш керакки, улар баҳолаш гуруҳининг модератори вазифасини бажарар эканлар эътироф этилган қарор қабул қилувчининг қўл остида ҳаракат қилишлари лозим бўлади.

Ҳозирги ишлаб чиқариш талаблари бироз ўзгартирилишни талаб этади, аммо бун-

дай жиддий қайта кўриб чиқиш матн, макет ва графиклар бўйича техник спецификацияларга катта фойда беради.

Муқобил дарсликлар тизимига оид қоидаларга ўзгартириш киритилиши ҳам фойдадан холи бўлмас эди.

Дарсликларни ижарага бериш тизими тўғри ишлаётган кўринади ва ўзгартиришларни талаб қилмайди.

Ушбу қисқа хулосалар китобларни ўқишнинг аҳамиятини ўз ичига олмайди, бу миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўриб чиқилмаган. Миллий китоб сиёсати ҳам мавжуд эмасга ўхшайди. Бироқ, янги Миллий ўқув дастурида тил ва адабиёт дарсларида ўқиш учун китоблардан фойдаланиш бўйича баъзи кўрсатмалар берилиши мумкин. Барча ҳолатларда, китоб ўқиш ўқув-методик материалларнинг ҳар қандай ислоҳотида энг муҳим элемент бўлиб қолиши зарур.



ҲАВОЛАЛАР

1. Александр, Р. (2015 г.). Преподавание и обучение для всех? Императив качества вновь. *Международный журнал развития образования* 40, стр. 250-258.
<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0738059314001205>
2. Ардити, А. и Чо, Дж. (2005). Серифы и читаемость шрифта. *Vision Res.* Ноябрь; 45(23): стр. 2926-2933.
<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC4612630/pdf/nihms729523.pdf>
3. Башир, С., Локхид, М., Нинан, Э., и Тан, Дж-П. (2018 г.). Смотря вперед: Школьное обучение в Африке. Вашингтон, округ Колумбия. World Bank.
<https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/29377/9781464812606.pdf?sequence=14&isAllowed=y>
4. Бенке, И. (2018 г.). Действенность и эффективность учебника. В: Е. Фукс, А. Бок (ред.), *Справочник Палгрейв по исследованиям учебников*. Палгрейв Макмиллан.
https://www.researchgate.net/publication/322386639_Textbook_Effects_and_Efficacy
5. Мартон, А.М. (2006). Культурная политика учебной реформы в Китае: тематическое исследование географического образования в Шанхае, *Journal of Contemporary China*, 15(47), 233-254,
6. Национальный исследовательский совет. (2005). *Как учатся учащиеся: История, математика и Наука в классе*. Вашингтон, округ Колумбия. The National Academies Press.
<https://www.nap.edu/catalog/10126/how-students-learn-history-mathematics-and-science-in-the-classroom>
7. ОЭСР. (2005). *Определение и выбор ключевых компетенций*.
<http://www.oecd.org/pisa/35070367.pdf>
8. ОЭСР. (2018 г.). PISA 2018: Рамки грамотности в чтении.
<https://www.iprase.tn.it/documents/20178/344196/Pisa+2018+reading+literacy+framework+final.pdf/14f3abfc-966c-46b1-a8d8-4d962193ecfd>
9. Пеллегрини и Хилтон. (2012). *Образование для жизни и работы: Развитие передаваемых знаний и навыков в 21 веке*. Вашингтон, округ Колумбия. National Academies Press.
https://www.researchgate.net/publication/265242593_Education_for_Life_and_Work_Developing_Transferable_Knowledge_and_Skills_in_the_21st_Century
10. Рейнольдс, Л. и Уокер, С. (2004 г.). «Нельзя увидеть, что говорят слова»: расстояние между словом и расстояние между буквами в детских книгах для чтения. *Исследовательский журнал чтения*, 27.1, стр. 87-98.
<https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/j.1467-9817.2004.00216.x>
11. Шанахан, Т. (2019 г.). Как насчет специальных шрифтов для детей с дислексией или другими проблемами чтения?
<https://www.shanahanonliteracy.com/blog/what-about-special-fonts-for-kids-with-dyslexia-or-other-reading-problems>
12. Сمارт, А. и Джаганнатан, С. (2018 г.). *Политика в сфере учебников в Азии: Разработка, публикация, печать, дистрибуция и ожидаемые вопросы*. Манила: Азиат-

ский Банк Развития

https://www.adb.org/sites/default/files/publication/478946/textbook-policies_asia.pdf

13. Усискин, Э., и Уиллмор, Э. (2008). Учебная программа по математике в странах Тихоокеанского региона: Китае, Японии, Корее, и Сингапуре. Шарлотта, Северная Каролина: Информационный век.
14. Тани, М., Хасуко, М., Ланкевич, Д., Христовлус, С., и Натолли, С.Дж. (1993). Разработка учебников и отбор в Японии и США. Социальное образование. 57(2).
<http://www.socialstudies.org/sites/default/files/publications/se/5702/570207.html>

ИЛОВАЛАР

1 А Илова: Жанубий Корея⁴¹

Хукумат ёки ноширлар томонидан яратилган барча дарсликлар дастлабки текширув босқичидан ўтади ва ундан сўнг дарсликларни баҳолаш босқичи ўтказилади:

А. ДАСТЛАБКИ (АСОС) ТЕКШИРУВИ

(ҳа / йўқ – биронта саволга «ҳа» жавоби қайд этилган ҳар қандай дарслик текширудан ўтмаган ҳисобланади):

1. Миллий Конституция руҳига мувофиқлик
 - Корея Республикасининг миллий режимини танқид қиладиган ёки инкор қиладиган бирон-бир материал борми?
 - Муайян мамлакат, дин, гуруҳ ёки синфни тарғиб қилувчи/қўллаб-қувватловчи ёки бузиб кўрсатувчи/ҳақоратловчи материаллар борми?
2. Таълим тўғрисидаги қонун моделига, мактаб ўқув дастурига риоя қилиш
 - Таълимнинг кўзлаган истиқболи ва мақсадларига зид бўлган таркиб мавжудми?
3. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши
 - Нашр этилмаган учинчи томон асарининг плагиати ёки бирон-бир нашр этилган асарнинг салмоқли қисмини баён этувчи бирон бир таркиб мавжудми?
4. Таркибнинг универсал эҳтимоли
 - Академик хато ёки умуман олганда, муаллифнинг номақбул шахсий қарашлари мавжудми?

Б. ДАРСЛИКНИНГ АСОСИЙ ТАҲЛИЛИ:

1. Мактаб ўқув дастурига мувофиқлиги
 - Ўқитиш, ўқиш ва баҳолашнинг мактаб ўқув дастурида таклиф қилинган тавсифлари, мақсадлари, таркиби ва услублари тўлиқ акс эттирилганми?
2. Таркибни танлаш ва ташкил этиш
 - Таркибнинг даражаси ва миқдори тегишли баҳоларнинг хусусиятларига мос келадими ва барча мактаб дарсларининг кетма-кетлиги ҳисобга оладими?
 - Таркибда бирон бир нотўғри ёки ноҳолис назария мавжудми?
 - Бирон бир шахс, жинс, минтақа ёки маҳсулот ҳаддан ташқари қораланган, бузилган, реклама қилинган ёки қўллаб-қувватланганми?

⁴¹ Корея таълимни ривожлантириш институти томонидан «Таълим режаси ва дарслик сиёсати» да нашр этилган, Кореянинг таълим сиёсатини тушуниш (2011).

- Предметлар бўйича бештараф таълим (демократик кадриятлар, экологик таълим, иқтисодий таълим, энергия таълими, ишчанлик руҳини тарғиб қилиш, истеъмолчиларга таълим бериш, бирлашиш бўйича таълим, корейс маданий мероси таълими, глобал тушуниш, денгиз таълими, АТ таълими ва гендер тенглик таълими ва ҳоказолар) тегишли бўлимларга мувофиқ тарзда акс эттирилганми?

- Ўқув материаллари чуқур билим олиш учун етарлими?

3. Таълим бериш ва ўқитиш услублари

- Предмет бўйича ўқув мақсадларига эришиш учун ўқитиш ва ўқишнинг тегишли услублари таклиф қилинганми?

- Синфда шуғулланиш учун зарур бўлган маълумотларни тўplash, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланишнинг тегишли услублари таклиф қилинганми?

- Баҳолаш услублари ва машқлар предметнинг мақсадлари, мазмуни ва услубларига мос келадими?

4. Ифода ва ёзув (Корейс имло тизими)

5. Таҳририят дизайни ва ташқи конфигурация

- Дизайн муаллифнинг тавсиялари формати, саҳифалар сони ва ранги бўйича тавсияларига мос келадими?

- Муҳаррирлик дизайни замонавийми, босма майдондан самарали фойдаланилгандими?

- Расмлар ва тасвирлар ифодали ва матнга мос келадими?

6. Ўзига хослик (ушбу домен мавжуд ёки бошқа дарсликлардан фарқ қилувчи, ўзига хос дарсликнинг танланишини таъминлашга мўлжалланган).

- Бирон бир академик хато ёки умуман муаллифнинг шахсий номақбул тарафкашлиги мавжудми?

- Ўқув-услубий жараёнлар ва фаолиятлар ўзига хосми?

ЎҚИТУВЧИ ҚўЛЛАНМАСИ ТАҲЛИЛИ

1. Мактаб ўқув дастури ва дарслик бўйича қўлланма

- Мактаб ўқув режаси қўлланмада тўлиқ баён этилганми ва мактаб ўқув дастуридаги сўнгги тенденциялар келтирилганми?

- Ўқиш, ўқитиш ва баҳолаш усуллари дарсликка мос келадими?

- Дарсликни тузиш қонун-қонидаси ва таркиби, фойдаланиш бўйича қўлланмалар ва манбаларга ҳаволалар, йиллик кўрсатмаларни мавжудми?

- Режа аниқ баён этилганми?

- Мавжуд мактаб ўқув дастурига ва дарсликдан фойдаланишга мослашувчан ёндашув таклиф қилинганми?

2. Конфигурация

- Кириш, қулайлик учун созланган қўшимча бўлимлар ва иловалар мавжудми?
- Ўқитувчилар синфда самарали дарс беришлари учун бўлимлар мантиқан ташкил этилганми?
- Чуқурлаштирилган ва қўшимча дарс (ёки ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос равишда ўқитиш ва ўқиш) учун материаллар берилганми?

3. Ўқитиш ва ўрганиш услублари

- Ўқувчиларда қизиқиш ва иштиёқни кучайтириш учун тегишли ўқиш/ ўқитиш услублари ушбу предмет билан мувофиқлаштирилганми?
- Ўқитиш/ўқиш услублари ўқитишга, конфигурацияга, таркибга мос келади-ми?
- Баҳолаш стандартлари ўқув мақсадлари, мазмуни, ўқитиш ва ўқиш услуби-ёти ва аниқ баҳолаш ҳолатларига мос келадими?

4. Маълумот материаллари ва қўлланмалардан фойдаланиш

- Сўнгги маҳаллий/халқаро маълумотномалар ўқитиш/ўқиш жараёнига ёрдам берадими ва предметга хос тадқиқотлар аниқ тафсилотларда келтирилганми?
- Мултимедиа контентлари каби турли хил маълумот материалларидан фойдаланиш стратегиялари муайян бўлимларга боғланганми ва уларнинг манбалари аниқ белгиланганми?

5. Ифода ва ёзув (имло тизими)

6. Таҳририят дизайни

- Таҳририят дизайни замонавийми, босма майдондан самарали фойдаланилганми?

7. Ўзига хослик

- янгиланган таркиб танлаб олинганми ва у ўзига хос тарзда жамланганми?

СИФАТЛИ ДАРСЛИКЛАР УЧУН ЙЎРИҚЛОВЧИ ТАМОЙИЛЛАР

<https://www.edb.gov.hk/en/curriculum-development/resource-support/textbook-info/GuidingPrinciples/index.html>

Таркиби

Мавзуга оид дарслик ўқувчининг ўқиши учун ўқув дастурининг тўрт таркибий қисмини (мақсад, мазмун, ўрганиш / ўқитиш стратегияси, баҳолаш) намойиш этади ёки тушунтиради.

- Мақсадлар, кўрсатмалар ва вазифалар тегишли ўқув режасида ёки мавзу бўйича қўлланмада келтирилганларга мос келади.
- Контент автоном бўлиб, ўқув дастуридаги ўқув вазифаларини самарали бажариш учун кифоя қилади, бунда дарсликлар билан боғлиқ қўшимча материаллардан фойдаланишни талаб этилмайди. Ўқув дастурининг асосий элементлари киритилган. Ўқувчиларга билим олиш кўникмаларини эгаллашлари учун имконият яратиш мақсадида қўшимча маълумот берилмайди. Агар киритилган материаллар асосий бўлмаган, фундаментал бўлмаган мавзулар бўлса ёки фақат билимларни бойитиш учун хизмат қилса, улар тегишли равишда кўрсатилиши керак.
- Таркиб долзарб. Ахборот ва маълумотлар долзарб ва аниқ. Бунда маълумот манбалари жоиз тарзда кўрсатилган.
- Тушунчалар тўғри ва аниқ. Фикрлар ўзаро боғлиқ. Керакли мисоллар ва расмлар мавжуд. Бундай мисоллар ва расмлар қизиқарли ва ўқувчилар тажрибасига мос келади. Концепцияларни ишлаб чиқишда янги тушунчалар эскиларига асосланади ва керак бўлган вақтда ва ўринда киритилади.
- Предмет таркибини кўриб чиқишда чуқурлик ва қамров ўртасида мос келадиган мувозанат мавжуд.
- Таркибнинг мураккаблик даражаси ўқув режаси талабларига ва ўқувчиларнинг билим олишдаги фаоллик даражасига жавоб беради.
- Ўқувчиларни ўқитишда уларнинг аввалги билимлари ва тажрибаларига етарли даражада эътибор берилади. Таълимнинг турли асосий босқичлари/синфлари ўртасида силлиқ ўтишни осонлаштириш учун тушунчалар ва кўникмаларни ривожлантиришда узвий кетма-кетлик мавжуд. Тегишли мавзулар ёки тушунчалар ўртасидаги алоқалар ажратиб кўрсатилган. Таркибда кераксиз такрорлаш йўқ.
- Предмет бўйича бир нечта нуқтаи назарлар ва мувозанатли қарашлар келтирилган.
- Контентда ҳаддан ташқари умумлаштириш ва стереотипизация каби ноҳолис мавжуд эмас. Таркиб ва расмлар жинси, ёши, ирқи, дини, маданияти, ногиронлиги ва ҳоказо бўйича камситишнинг ҳар қандай шаклини баён этмайди ва ажратишни назарда тутмайди.
- Ўқувчилар катта ҳажмдаги материалларни мустақил ўқишларини рағбатлантириш ва буни енгиллаштириш учун, ўқувчиларга кўпроқ ўқиш учун қўшимча адабиётлар рўйхатлари ёки тегишли веб-сайтлар рўйхати келтирилган. Қидириш қулай бўлишлиги учун индекс киритилган.

Ўқиш ва ўқитиш

Ўқувчиларга билим олиш кўникмаларини шакллантиришда ёрдам бериш учун уларни турли хил ўқув машғулотларига жалб қилиш орқали умумий кўникмаларни ривожлантириш рағбатлантирилади. Барча даражаларда когнитив кўникмаларнинг мувозанатли қамрови мавжуд, масалан, маълумот тўплаш, эслаб қолиш, диққатни жамлаш, ташкил этиш, интеграция, таҳлил қилиш, генерация қилиш ва бошқалар.

- Умумий кўникмалар турли фанлар ёки таълимнинг асосий йўналишлари доирасида ўқитиш ва ўқиш орқали ривожлантирилади (мисоллар тегишли ўқув дастурида ёки тематик қўлланмаларда мавжуд).
- Барча даражаларда когнитив кўникмаларни мутаносиб қамраб олиш мавжуд.
- Ўқувчиларнинг қобилиятлари ва ривожланиш эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, фактларни эслаб қолиш ва англашнинг ўрнига, таҳлил қилиш, баҳолаш ва фикрлашни талаб қиладиган юқори даражадаги фикрлаш кўникмалари аста-секин киритилмоқда.
- Чуқур ишлов бериш, танқидий ва ижодий фикрлаш каби жиҳатлар ўқувчиларни таркиби тузилиши пухта бўлмаган муаммолар, янада очиқ саволлар ва қўшимча ўқиш кабиларга жалб қилиш орқали рағбатлантирилади.
- Ўқувчилар турли хил манбалардан маълумот топиш каби ўқув жараёнини бошдан кечиришлари керак.
- Шунингдек, таҳлил қилиш, баҳолаш ва ўз фикр жараёнларини бошқариш ва ўз ҳаракатларини стратегик равишда режалаштириш қобилиятини ўз ичига олган метакогнитив кўникмалар ривожлантирилмоқда.
- Таълим стратегиялари, масалан, ўқувчилар учун қўлланмага киритилган ёки ўқув фаолиятида таклиф қилинган.
- Ижобий қадриятлар ва муносабат турли предметлар ва таълимнинг асосий соҳалари нуқтаи назаридан ўрганиш ва ўқитиш орқали ривожлантирилади (мисоллар тегишли ўқув дастурида ёки тематик қўлланмада келтирилган).
- Мазмун таркиб мустақил равишда қўллаш мумкин бўлган ёки бир-бирлари билан мослашувчан тарзда боғланган, қулай ўқув блоклари шаклида ташкил-лаштирилган бўлиб, бунда ўқувчиларнинг хилма-хиллигини қондириш учун муқобил ўқув йўллари шакллантириш мақсад қилинган. Таълим бериш, ўқитиш ва баҳолаш стратегиялари ўқувчиларнинг билим олиш қобилиятлари ва услубларини ва шу кабиларни инобатга олиш учун улардан мослашувчан равишда фойдаланишга имкон беради.

Ўқув мақсадларига эришиш учун зарур бўлган машғулотлар таркибга киритилган. Ўқувчиларнинг ушбу тадбирлардаги ўзлаштириш кўрсаткичлари уларнинг қанчалик яхши ўқиганликлари ва ўқиш ва ўқитиш соҳалари бўйича кейинги йўналишлар хусусида қайтар алоқа тарзидаги фикр-мулоҳазаларни беради.

- Ўқув фаолияти ўқувчиларга янги билимларни фаол равишда бирлаштириш, машқ қилиш ва қўллашда ёрдам бериш учун ишлаб чиқилган. Бундай мақсадларга эришиш учун таълим вазифаларини ишлаб чиқишда CORE ёки шунга ўхшаш бошқа моделлар қўлланилади (CORE дегани: ўқувчиларнинг олдинги билимларига боғланиш, янги таркибни ташкил қилиш, ўрганилган нарсалар тўғрисида мулоҳаза юритиш ва билимларни янги контекстларга ўтказиш

орқали кенгайтириш ибораларидан олинган)⁴².

- Улар ҳақиқий таъсир кўрсатадиган ва зарурият туғилганда ҳақиқий жамоат материаллари ва манбаларидан фойдаланган ҳолда умр бўйи ўқишни тарғиб қиладилар.
- Ўқув машғулотлари қизиқарли. Улар ўқувчиларни жалб қилади ва ўрганишга ундайди.
- Ўқув машғулотларида аниқ кўрсатмалар мавжуд.
- Турли хил ва мазмунли машғулотлар тақдим этилади. Масалалар ва машқлар таълим стратегиялари ва ўқув мақсадларига ҳамоҳанг, миқдорий жиҳатдан мувозанатли ва мос келади.
- Фикр юритиш, ўз-ўзини баҳолаш, тенгдошлар ва гуруҳларни баҳолаш бўйича таклифларни ўқишни яхшилашга ёрдам бериш учун ўқув мақсадларига ва ўқув фаолиятига мувофиқ киритиш мумкин. Кенг ва очиқ жавобларни талаб қиладиган тадбирлар, шунингдек, жиддий ишлов бериш билан турли хил жавоб услублари. Ушбу турдаги фаолиятлар ўқувчиларга боблар/бўлимларнинг мақсадларини, шунингдек, ўзларининг ўқув мақсадларини аниқлашга ва шунингдек ўрганиш бўйича ўзларининг шахсий мақсадларини аниқлашга, ўз билим ўзлаштиришини баҳолашга ҳамда билим олишларини яхшилаш мақсадида кейинги қадамларини аниқлаш олишлари учун нималарни ва қандай ўзлаштирганликлари хусусида фикр юритишларига ёрдам беради.

Тузилиши ва ташкил этилиши


Ўқишни осонлаштириш учун тегишли таркибий тузилма тақдим этилган.

- Таркибнинг кетма-кетлиги ўринли ва мантиқан тўғридир. Калит сўзлар ва тушунчалар аниқланган ва алоҳида кўрсатилган.
- Таркиб тузилиши функционал қурилмалар, жумладан таркиб мундарижаси, боблар сарлавҳалари, сарлавҳалар ва диаграммалар ёрдамида тушунарли ҳолга келтирилган.
- Ўқув мақсадларининг умумий баёни бошида, қисқача баёнини эса, ҳар бир дарс/боб/модул охирида келтириш мумкин. Ўқувчиларга дарслиқдан қандай фойдаланишни ўргатиш мақсадида кириш қисмига ўқувчилар учун оддий қўлланмани жойлаштирилиши мумкин.

Тил

- Дарслиқлар ўқувчилар учун муҳим ўқиш манбалари ҳисобланади. Шунинг учун киритилган матнларнинг миқдори ва сифатига эътиборга қаратилиши лозим.
- Матнлар юқори сифатга эга ва ўқувчиларга тўғридан-тўғри ва мустақил равишда ўрганишга, шунингдек мустақил равишда маъно ҳосил қилишга (яъни ўрганиш учун ўқиш) ёрдам беради. Тил мураккаблиги даражаси мақсад қи-

⁴² CORE refers to: **C**onnect to students' prior knowledge, **O**rganise new content, **R**eflect on what has been learned, and **E**xtend by transferring knowledge to new contexts



лингган ўқувчилар гуруҳининг тил қобилиятига мос келади, янги луғат аста-секин тегишли вақтда контекстга киритилади.

- Ўқувчиларга матн таркибини қайта ишлашга ёрдам бериш учун тегишли парчалар киритилган.
- Ўқувчиларга ушбу предметни ўрганиш учун тилдан самарали фойдаланиш, яъни ўқиш, ёзиш, тинглаш ва гапиришдан ушбу фан бўйича билимларни шакллантириш, маъносини аниқлаш ва кенгайтириш воситаси сифатида фойдаланиш имкониятлари берилади.
- Ўрганиш ва тушунишни рағбатлантириш учун таниш ва қизиқарли нутқдан фойдаланилади. Матн ўқувчиларнинг аввалги билимлари билан, масалан, ўқувчиларга таниш бўлган намуналар ва мисоллар киритиш йўли орқали боғланган.
- Тил аниқ ва қисқа.
- Ўқувчиларга луғат ва предмет мунозарасининг ўзига хос моделларини тушунишда ва улардан фойдаланишда ёрдам кўрсатилади.

Бошқа мезонлар дарслик форматига боғлиқ.

1С Илова: Виржиния (АҚШ)

Дарсликларни кўриб чиқиш кўмитаси томонидан қўлланиладиган баҳолаш мезонлари

I бўлим: Таълим стандартлари ўртасидаги муносабатлар

Мазкур дарсликлардаги таркиб таълим стандартлари билан ва ушбу предмет бўйича ўқув дастури рамкалари билан қай даражада боғлиқ эканлигини аниқлаш

<p>ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА</p> <p>A</p>	<p>ЧЕКЛАНГАН ДАРАЖАДА</p> <p>L</p> <p><i>(Изоҳ: ушбу баҳолашни тасдиқлайдиган мисоллар келтириш)</i></p>	<p>ДАЛИЛЛАР ЙЎҚ</p> <p>N</p> <p><i>(Изоҳ: ушбу баҳолашни тасдиқлайдиган мисоллар келтириш)</i></p>
Дарслар стандартларга ҳамоҳанг	Стандартлар ва мавзулар ўртасида чекланган миқдордаги боғлиқлик қайд этилган	Стандартлар ва мавзулар ўртасида боғлиқлик мавжуд эмас
Таркиб аниқ, равшан ва кетма-кетликда тақдим этилади	Таркибда баъзи бир мавҳумликлар бор ёки у доим ҳам тушунарли эмас	Таркибнинг мантиқий кетма-кетлигини аниқлашнинг иложи йўқ ёки унда сезиларли даражадаги ноаниқликлар бўлиши мумкин
Асосий тушунчалар, билимлар ва кўникмаларнинг аксарияти қўлланилади	Асосий тушунчалар, билимлар ва кўникмалар етарлича кўриб чиқилмаган	Асосий тушунчалар, билимлар ва кўникмалар кўриб чиқилмаган
Ўқувчилар асосий кўникмаларни қўллашлари учун кўплаб имкониятлар тақдим этилади	Ўқувчилар зарур кўникмаларни машқ қилишлари учун чекланган даражадаги имкониятга эга	Асосий кўникмаларни машқ қилиш имконияти киритилмаган
<p>Таркибнинг тўғрилиги, ғализликлари ёки таҳририга оид мулоҳазалар ва хавотирлар.</p>		

Дарсликларни кўриб чиқиш қўмитаси томонидан қўлланиладиган баҳолаш мезонлари

II бўлим: Таълим стандартлари ўртасидаги боғлиқлик

(Ҳисобот кўринишида тақдим этилган.)

Ўзаро боғлиқликни ўрнатиш ва тасдиқлаш мақсадларида қўлланилиши мумкин)

ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА A	ЧЕКЛАНГАН ДАРАЖАДА L <i>(Изоҳ: ушбу баҳолашни тасдиқлайдиган мисоллар келтириш)</i>	ДАЛИЛЛАР ЙЎҚ N <i>(Изоҳ: ушбу баҳолашни тасдиқлайдиган мисоллар келтириш)</i>
1- МЕЪЗОН Дарслик тартибли тарзда ва мантиқли изчилликда тақдим этилган ва у ўқучиларнинг ёши, синфи ва ривожланиш даражасига мос келади.		
Дарслик мантиқли изчилликда тақдим этилган ва у ўқучиларнинг ёши, синфи ва ривожланиш даражасига мос келади.	Дарсликда ташкилий жиҳатдан ва ўқувчиларнинг синфи/ёшига мослиги жиҳатидан изчилик етишмайди.	Дарслик тартиб билан тузилмаган ва ўқувчиларнинг синфи/ёшига мос келмайди.
2- МЕЪЗОН Дарсликда ҳажм ва дарслар бўйича баён тўғри ташкил этилган.		
Ҳажм ва изчилликни ўқиш ва тушуниш осон.	Ҳажм ва изчиллик мавҳум ва тушуниш осон эмас.	Ҳажм ва изчилликни ўқиш ва тушуниш қийин.
3- МЕЪЗОН Формат дизайнига фойдаланишни қулайлаштириш мақсадида сарлавҳалар, кичик сарлавҳалар ва қарама-қарши ҳаволалар киритилган.		
Дарсликнинг ташкилий жиҳатлари унинг таркибини англаш ва ундан фойдаланишни осонлаштиради.	Дарсликнинг ташкилий жиҳатлари унинг таркибини англаш ва ундан фойдаланишни енгиллатишга қисман ёрдам беради.	Дарсликнинг ташкилий жиҳатлари унинг таркибини англаш ва ундан фойдаланишга ёрдам бермайди.

4-МЕЪЗОН

Баён усули, синтаксис ва лексика бир-бирларига мосдир

Ўқиш қулайлиги ўқитиш даражасига мосдир. Баён усули ва синтаксис хилма-хил бўлиб, ўқувчиларнинг англашларини яхшилаш мақсадига мос келади. Лексикада ҳам таниш бўлган ҳамда мураккаб бўлган сўзлар тақдим этилган.

Ўқиш қулайлиги ўқитиш даражасига матннинг барча қисмларида ҳам мос эмас. Баён усули ва синтаксис мос келмайдиган бўлиши ёки хилма-хиллик мавжуд бўлмаслиги мумкинлиги сабабидан ўқувчиларнинг англашларига ёрдам бериши чекланган. Лексика жуда ҳам мураккаб ёки жуда ҳам таниш бўлиши мумкин.

Ўқиш қулайлиги ўқитиш даражасига мос эмас. Баён усули ва синтаксис кўпинча мос келмайди ва ўқувчиларнинг англашларига ёрдам берадиган даражада хилма-хил эмас. Лексика жуда ҳам мураккаб ёки жуда ҳам нотаниш.

5-МЕЪЗОН

Графика ва безаклар мақсадга мос келади.

Кўргазма элементлари беҳато, матнни қўллайди ва ўқувчиларнинг англашларини осонлаштиради.

Кўргазма элементлари баъзан мавҳум ҳамда матнни чекланган миқдорда қўллайди ва ўқувчилар англашларига чекланган миқдорда ёрдам беради.

Кўргазма элементларида хатолар мавжуд, улар матнни қўлламайди ва ўқувчилар англашларига ёрдам бермайди.

6-МЕЪЗОН

Англаш чуқурлигини таъминлаш учун етарли даражадаги ўқув стратегиялари тақдим этилган.

Материаллар ўқувчиларга кўникмалар ва тушунчаларни уйғунлаштиришга ёрдам беради

Материаллар ўқувчиларга кўникмалар ва тушунчаларни уйғунлаштиришга чекланган даражада ёрдам беради

Материаллар ўқувчиларга кўникмалар ва тушунчаларни уйғунлаштиришга ёрдам бермайди

Изоҳ: Давлат низомида талаб этилувчи предмет соҳасига тегишли бўлган ҳар қандай меъзонлар давлат назоратининг таркибий қисми сифатида киритилади. Таълим бошқармаси муайян предметлар бўйича кўрсаткичларнинг меъзонларини жорий этиши мумкин.



ИЗОҲЛАР УЧУН



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ



Respublika
Ta'lim Markazi

unicef 

har bir bola uchun